Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# ADOLAT

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2023-YIL 10-MART, JUMA

№ 9 (1425)

info@adolatgzt.uz
www.adolat.uz
adolatgz-95@mail.ru
t.me/Gazeta_Adolat
adolat24.uz/

QR коди орқали газетанинг электрон вариантини юклаб олинг!

Фракция йиғилиши

## ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ ДАВЛАТ ҚУРИШ ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ



Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. **Унда янгиланаётган Конституция лойиҳасини такомиллаштириш бўйича амалга оширилган ишлар** атрофлича кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, ўтган вақт мобайнида фуқароларимиздан **келиб тушган 220 мингдан ортиқ** таклифлар чуқур таҳлил қилиниб, уларнинг аксарияти Конституциявий **қонун лойиҳасига сингдирилди.** Шунингдек, 2022 йил 24 ноябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлисида **сиёсий партиялар фракциялари** томонидан Конституциявий қонун лойиҳаси юзасидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг **ваколатларини аниқлаштириш,** ижтимоий **давлат принципларини** рўёбга чиқаришнинг конституциявий механизмларини янада кучайтириш ҳақида илгари **сурилган қатор таклифлар ҳам янгиланаётган Конституция матнида** акс этди.

Эътиборлиси, келиб тушган таклифлар асосида Конституция лойиҳасидаги **моддалар** сони амалдаги **128 тадан 155 тага,** нормалари **275 тадан 434 тага** ошди, Асосий қонунимизнинг **65 фоиз** матни халқимиз таклифлари асосида янгиланди.

Йиғилишда фракция аъзолари ўз партиявий дастур ва мақсадларидан келиб чиқиб, Бош қомусимиз лойиҳасида тегишли таклифлари акс этганини эътироф этиб, судларнинг фаолиятини молиялаштириш фақат Ўзбекистон Республикасининг **Давлат бюджетидан амалга оширилиши** Конституция билан мустаҳкамланаётганини алоҳида қайд этдилар. Депутатларнинг фикрича, киритилаётган мазкур ўзгаришлар одил судловни **тўлиқ ва мустақил равишда** амалга ошириш имконини беради.

Конституциявий қонун лойиҳасида **жисмоний ва юридик** шахсларга **малакали юридик ёрдам кўрсатиш** учун **адвокатура фаолият** кўрсатиши кўзда тутилмоқда. Адвокатура фаолияти **қонунийлик, мустақиллик ва ўзини ўзи бошқариш** принципларига асосланади. Адвокатура фаолиятини ташкил этиш ва унинг тартиби қонун билан белгиланади.

Адвокат ўз касбий вазифаларини амалга ошираётганда унинг фаолиятига аралашишга йўл қўйилмайди. Адвокатга ўз ҳимоясидаги **шахс билан тўсқинликсиз** ва холи учрашиш, **маслаҳатлар бериш** учун шарт-шароитлар таъминланади. Энг муҳими, адвокат ва унинг касбий фаолияти **давлат ҳимоясида** бўлади.

Шунингдек, қонунлардаги **ноаниқликлар инсон фойдасига** ҳал бўлиши, бу борада, Конституциямизда шахсни **суднинг қарорисиз 48 соатдан ортиқ муддат ушлаб туриш мумкин эмаслиги** белгиланмоқда ҳамда фуқароларнинг **ҳуқуқ ва эркинликларини** чеклаш билан боғлиқ барча ҳаракатларга фақат **суд қарори асосида йўл қўйилиши** мустаҳкамланмоқда. Бундан ташқари, **илк** бор **айбланувчи ва судланувчиларга** ўзига қарши кўрсатма бермаслик, яъни **“сукут сақлаш” ҳуқуқи** берилмоқда.

Ҳуқуқий, ижтимоий давлат қуриш — “Адолат” социал-демократик партиясининг пировард мақсади ҳисобланади. Янгиланаётган Конституцияда Ўзбекистон ҳуқуқий ва ижтимоий давлат эканлигининг мустаҳкамланиши, ижтимоий давлатга хос, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётидан тортиб, аҳолининг барча қатламлари учун хизмат кўрсатиш ва ижтимоий хизматларнинг ривожланган тизимини яратишгача бўлган барча элементлар Бош қомусимиз моддаларида муҳрланаётгани фракция аъзолари томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланди.

Савол-жавобларга бой бўлган йиғилишда фракция аъзолари Конституцияга киритилаётган ўзгартишлар давлат ҳокимияти асосларини янада такомиллаштиришга, парламентнинг ваколатларини кучайтиришга, фуқароларнинг қонунчилик жараёнидаги фаол иштирокини таъминлашга хизмат қилишини алоҳида қайд этдилар.

Фракция аъзолари Конституциявий қонун лойиҳасини такомиллаштириш бўйича амалга оширилган ишларни **маъқуллаб, ўзларининг позицияларини** билдиришди.

Йиғилишда кун тартибидаги масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

## БЕШ МИНГГА ЯҚИН ХОТИН-ҚИЗЛАР “АЁЛЛАР ДАФТАРИ”ДАН АСОССИЗ ЧИҚАРИЛГАН МАСЪУЛЛАР НЕГА УЛАРНИНГ ТАҚДИРИГА БЕФАРҚ?

5

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида



## ЯНГИЛАНАЁТГАН КОНСТИТУЦИЯ — юртимиз ва халқимизнинг фаровон ҳаёти учун мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлади

**2023 йил 9 март куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳаси бўйича референдум ўтказиш ҳақидаги масала муҳокама қилинди.**

Мажлисда хорижий давлатларнинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчилари, халқаро ташкилотлар раҳбарлари ҳам иштирок этди.

Лойиҳада жамоатчилик таклифлари, замонавий халқаро стандартлар ва энг илғор хорижий тажриба инобатга олинган.

Муҳокамаларда Конституциявий қонун лойиҳаси бўйича умумхалқ муҳокамаларида жами 222 715 та таклифлар келиб тушганлиги ва улар асосида лойиҳа такомиллаштирилиб, маромига етказилганлиги, хусусан, таклифларнинг ҳар тўрттасидан битаси лойиҳадан жой олганлиги таъкидланди.

Депутатлар Конституциявий қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнида 400 дан ортиқ халқаро ҳужжатлар, 190 га яқин давлатлар конституциялари пухта таҳлил этилганлиги, халқаро эксперт ва мутахассислар томонидан халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган барча қоидаларини ўзида мужассам этган ҳужжат сифатида юқори баҳоланганлигини қайд этдилар.

Шунингдек, мажлисда Конституциянинг моддалари амалдаги 128 тадан 155 тага кўпайиб, нормалари 275 тадан 434 тага ошгани, яъни, Асосий қонунимизнинг 65 фоиз матни халқимиз таклифлари асосида янгилангани, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига оид қоидалар уч ярим бараварга кўпайгани ҳамда шулардан келиб чиқиб, лойиҳани янги таҳрирдаги Конституция сифатида қабул қилиш учун барча асослар етарли эканлиги таъкидланди.

2

Машҳурларнинг аёллари



## Одил ЁҚУБОВ: “Яхшиям ҳаётимда сен борсан, Марям!”

Катта авлод вакиллари билан суҳбатлашсангиз, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, “Дўстлик”, “Эл-юрт ҳурмати” ордени соҳиби, моҳир таржимон, мунаққид, публицист Одил Ёқубовнинг “Тенгдошлар”, “Муқаддас”, “Биллур қандиллар”, “Эр бошига иш тушса”, “Қанот жуфт бўлади”, “Улуғбек хазинаси”, “Кўҳна дунё”, “Диёнат”, “Адолат манзили”, “Излайман”, “Юрак ёнмоғи керак”, “Чин муҳаббат”, “Айтсам тилим куяди, айтмасам дилим” каби қисса, пьеса ва романларининг қанчалик қўлма-қўл бўлиб мутолаа қилингани, китобхонлар уларни кечалари ухламай гоҳ қувонч, гоҳ кўзда ёш билан тонгга қадар ўқиб чиқишгани, мижжа қоқмай пъеса ва киноларини томоша қилишганини сўзлашади.

**Ўзбек адабиётида давр билан ҳамнафас, муносиб ўринга эга бетакрор асарлар муаллифи Одил Ёқубовнинг севимли рафиқаси, ҳаётда, ижодда ҳамнафас кўмакчиси, маслаҳатгўйи Марямхон ая ЁҚУБОВАни зиёрат қилиш ва суҳбатларини олиш мақсадида хонадонига бордик.** Кичик жуссали оқ юзидан нур ёғилиб турган, ёши 86 ни қоралаган бўлса ҳам чеҳрасини гўзаллик тарк этмаган фариштамисол ая... Энг яқин кишимизни кўрган каби уларнинг меҳр тўла сўзларига қулоқ тутдик.

6

# ЯНГИЛАНАЁТГАН КОНСТИТУЦИЯ –

## юртимиз ва халқимизнинг фаровон ҳаёти учун мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлади

1

Янгиланаётган Конституция тараққий этган давлат – Янги Ўзбекистонни қуриш ғояси атрофида бутун жамиятимизни жипслаштириши, унда барча қатлам манфаатлари инобатга олинганлиги, лойиҳани ишлаб чиқишда кенг жамоатчилик, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, экспертлик ва илмий доиралар вакиллари, зиёлилар фаол иштирок этганлиги, бир сўз билан айтганда, лойиҳа том маънода халқ Конституцияси бўлаётганлиги алоҳида таъкидланди.

Муҳокамада сўзга чиқувчилар томонидан Конституцияга киритилаётган асосий ўзгартиришларнинг ҳар бири бўйича алоҳида-алоҳида тўхталиб ўтилди, фикр алмашилди. Хусусан, ҳар бир сиёсий партия фракцияси етакчиси ўз партиявий дастур ва мақсадларидан келиб чиқиб, Асосий қонунимиз лойиҳасида тегишли таклифлари акс этганини алоҳида таъкидлади.

### ЎЗБЕКИСТОН – СУВЕРЕН, ДЕМОКРАТИК, ҲУҚУҚИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ДАВЛАТ ЭКАНИ ҚАТЪИЙ БЕЛГИЛАБ ҚЎЙИЛМОҚДА

Мамлакатимизнинг узоқ муддатли тараққиёти, халқимизнинг эртанги фаровон ҳаёти учун мустаҳкам ҳуқуқий асос ҳамда ишончли кафолат сифатида Ўзбекистон "суверен, демократик, ҳуқуқий ва ижтимоий давлат" эканлиги ҳамда ушбу принципиал қоидаларни ўзгартириш мумкин эмаслиги алоҳида белгилаб қўйилмоқда.

Ушбу конституциявий қоидалар замирида мустақиллигимизни асраб-авайлаш ва янада мустаҳкамлаш, келажак авлодларга озод ва эркин Ватан қолдириш, халқ манфаатлари кўзланган ислоҳотлар йўлидан ортга қайтмаслик, қонун ва адолат устуворлиги, инсонга эътибор ва ғамхўрлик каби муҳим қадриятлар мужассам бўлиб, улар давлатчиликнинг тамал тошлари сифатида мустаҳкамланмоқда.

### КУЧЛИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ВА МУҲТОЖЛАРГА ҒАМХЎРЛИК – ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШИ БЎЛИБ ҚОЛАДИ

Конституцияда камбағалликни қисқартириш, бандликни таъминлаш, ишсизликдан ҳимоя қилиш бўйича давлат ўзига қатор янги мажбуриятлар олиши белгиланмоқда. Умуман давлатнинг ижтимоий мажбуриятларига доир нормалар уч баробарга ошмоқда.

Масалан, 2 миллион 200 минг эҳтиёжманд оилалар давлатдан моддий ёрдам олишини кафолатлайди. Бу жами оилаларнинг 25 фоизига тўғри келади, уларга ҳар йили 11 триллион сўм ажратилади.

Депутатлар ўтган йили 50 минг оила учун янги квартиралар олишга шароит яратилгани, бу йил 90 минг, яқин 2-3 йилда эса, 200 минг оилани уй-жойли қилиш режалаштирилганлиги, шу боис, ҳар бир фуқаронинг уй-жойли бўлиш ҳуқуқи ва уй-жой қурилиши давлат томонидан рағбатлантирилишининг Конституциямизда мустаҳкамланаётганлиги ушбу марраларга эришиш учун мустаҳкам замин ҳозирлашини қайд этдилар.

Илк маротаба давлат зиммасига аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифаларининг ҳаёти сифатини ошириш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамият ва давлат ҳаётида тўлақонли иштирок этиши ва ўз ҳуқуқларини амалга ошириши учун шарт-шароитлар яратиш чораларини кўриш мажбурияти юкланмоқда.

Депутатлар томонидан давлат ўз зиммасига ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳалар объектлари ва хизматларидан тўлақонли фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратиш, уларнинг ишга жойлашишига, таълим олишига кўмаклашиш мажбуриятини олаётганлиги ҳам ижтимоий давлат тамойилининг яққол ифодаси эканлиги таъкидланди.

### ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ КАФОЛАТЛАРИ КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш – давлатнинг олий мажбурияти этиб белгиланмоқда. Инсон ва давлат органлари ўртасида юзага келадиган ноаниқликлар инсон фойдасига талқин қилиниши, ҳуқуқий таъсир чоралари қонуний мақсадга эришиш учун етарли ва мутаносиб бўлиши кераклиги белгиланмоқда. Ушбу қоидалар инсон ҳуқуқлари устуворлигини таъминлайди, давлат идораларининг ўз вазифаларини инсон ҳуқуқларига риоя қилган ҳолда амалга оширишда масъулиятини оширади ҳамда инсонга меъёридан ортиқ ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланилишининг олдини олади.

Конституцияда инсоннинг шахсий ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолати энг илғор халқаро стандартларга мувофиқ кучайтирилмоқда. Хусусан, шахсни суд қарорисиз 48 соатдан ортиқ муддат ушлаб турилиши мумкин эмаслиги, ушбу муддат ушлаб туриш қонунийлиги ва асослилиги судда исботланмаса, шахс дарҳол озод қилиниши ("Хабеас корпус" институти) ҳамда шахсни ушлаб туриш чоғида унинг ҳуқуқлари ва ушлаб турилиши асослари унга тушунарли тилда тушунтирилиши кераклиги ("Миранда қоидалари"), шунингдек, айбланувчи ва судланувчиларга ўзига қарши кўрсатма бермаслик, яъни "сукут сақлаш" ҳуқуқи белгиланмоқда. Ушбу қоидалар шахсий эркинлик дахлсизлигини ва инсонларни ноқонуний ҳибсга олишга йўл қўймасликни кафолатлайди.

Илк маротаба ёзишмалар, телефон орқали сўзлашувлар, почта, электрон хабарлар ва бошқа хабарларни сир сақлаш ҳуқуқи фақат суднинг қарорига асосан чекланиши мумкинлиги белгиланмоқда. Яъни, ҳозирги вақтда ушбу ваколат прокурорга тегишли бўлиб, унинг судларга ўтказилиши шахс дахлсизлиги ва конституциявий ҳуқуқларини таъминлашда туб бурилиш бўлади.

Шахс қариндошларининг судланганлиги асоси билан ҳуқуқлари чекланиши мумкин эмаслиги қатъий белгиланиши инсон ўзининг яқинлари йўл қўйган хатолар учун жавоб бермаслигини таъминлайди.

Узоқ йиллар юртимизнинг халқаро имиджига салбий таъсир қилиб келган мажбурий меҳнатга тўлиқ барҳам берилди. Болаларнинг баркамол ривожланишига салбий таъсир қиладиган ҳар қандай болалар меҳнатининг тақиқланиши Асосий қонунимизда тўғридан-тўғри ёзиб қўйилаётганлиги ушбу салбий иллатнинг тарихда қолиши учун кафолат бўлади.

### КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАР ДОИРАСИ КЕНГАЙМОҚДА

Конституцияда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари сезиларли даражада кенгайтирилмоқда. Хусусан, конституциявий ҳуқуқлар доираси экологик ҳуқуқлар, соғлиқни сақлаш, гендер тенглик, эркин ҳаракатланиш, турар ва яшаш жойини эркин танлаш, мамлакатдан чиқиш ва монеликсиз қайтиш, Интернетдан фойдаланиш, шахсий маълумотлар ҳимояси, олий таълим, бепул юридик ёрдам олиш, давлат хизматига киришда тенглик, уй-жойга эга бўлиш, ундан маҳрум этилганда компенсация олиш, банк операциялари ва ҳисобварақларининг сир сақланиши, қонунчиликка оид таклиф киритиш каби ҳуқуқлар билан тўлдирилмоқда.

Қулай меҳнат шароитларида ишлаш, меҳнати учун адолатли ҳақ олиш, дам олиш, давлат ҳисобидан тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмини олиш, шаҳарсозлик, бюджет соҳасида жамоатчилик назоратини амалга ошириш каби ҳуқуқларнинг киритилиши фуқароларнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳимоясини янада кучайтиради.

"Инсон қадри учун" тамойили Конституцияда, қонунларимизда ва давлат идоралари фаолиятида бош мезон бўлиши шарт. Шу боис, Конституция лойиҳасида инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсиздир ҳамда ҳеч нарса уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмаслиги белгиланмоқда.

### ТАЪЛИМ ОЛИШ ҲУҚУҚИ ВА ИМКОНИЯТИ КЕНГАЙТИРИЛАДИ, ЎҚИТУВЧИЛАР КОНСТИТУЦИЯВИЙ МАҚОМГА ЭГА БЎЛАДИ

Олий таълим ташкилотларига академик эркинлик берилиши, танлов асосида давлат ҳисобидан бепул олий маълумот олиниши, нодавлат таълим ташкилотлари қўллаб-қувватланиши тўғрисидаги қоидалар ёш авлод ҳаётини яхшилаш, уларнинг орзу-интилишларини рўёбга чиқариш, замонавий мутахассисликларни эгаллаган ҳолда ҳаётда ўз ўрнини топиши ва шахсий ривожланиши учун имконият яратади.

Охирги олти йилда олийгоҳлар сони 77 тадан 210 тага, уларга қабул эса, 5 бараварга ортиб, талабалар сони 1 миллионга, олий таълим қамрови – 9 фоиздан 38 фоизга ошди. Давлат грантлари сони ҳам 2 баравар кўпайиб, 40 мингтага етди, шундан, магистратура учун – 5 баравар кўпайди.

Алоҳида эҳтиёжларга эга бўлган болалар учун таълим ташкилотларида инклюзив таълим ва тарбиянинг ташкил этилиши, уларни ҳамма қатори умумий мактабларда ҳам ўқишини йўлга қўйилиши Янги Ўзбекистонда инсон қадри тамойилининг амалий ифодаси ҳисобланади.

Конституцияда давлат мактабгача таълим ва тарбияни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиши ва бошланғич профессионал таълим бепул эканлиги ҳам белгиланмоқда. Депутатлар томонидан сўнгги олти йилда болаларнинг боғча билан қамрови 27 фоиздан 70 фоизга ошгани ҳамда Конституцияга киритилаётган янги нормалар бу борада янги марраларга эришиш имконини бериши таъкидланди.

Депутатлар ўқитувчилар шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида ғамхўрлик қилиш тўғрисидаги норма миллат ва халқ ривожи, унинг интеллектуал салоҳиятини оширишда асосий ўрин тутувчи ўқитувчиларнинг жамиятдаги ижтимоий мақоми ва обрўсини янада оширишга хизмат қилишини таъкидлаб ўтдилар.

### ЁШЛАР ҲУҚУҚЛАРИ КОНСТИТУЦИЯ ҲИМОЯСИ ОСТИДА БЎЛАДИ

Конституцияда ёшлар масаласи алоҳида боб даражасига олиб чиқилиши Янги Ўзбекистонда ёшлар сиёсати устувор эканлигига яққол ишорадир.

Депутатлар аҳолимизнинг 18 миллиондан ортиғи ёшлар эканлиги, ушбу кўрсаткич 2040 йилга бориб, 25 миллионга етишини ҳисобга олиб, Конституцияга ёшлар масаласига оид алоҳида боб киритилаётгани муҳим аҳамиятга эгалигини алоҳида таъкидладилар.

Муҳокамалар давомида ёшларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, экологик ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, жамият ва давлат ҳаётида фаол иштирок этишини рағбатлантириш, уларнинг маънавий, интеллектуал, ижодий, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан ривожланиши, ўз ҳуқуқларини амалга ошириши учун шарт-шароитларни яратиш мажбуриятини давлат ўз зиммасига олиши ёшлар ҳаётда ўзларини тўлақонли намоён этиш имкониятини таъминлаши таъкидланди.

### РАҚОБАТБАРДОШ МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ, ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ВА МУЛК ҲУҚУҚИ КАФОЛАТЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Янгиланаётган Конституцияда тадбиркорлик фаолияти кафолатларини кучайтириш, бозор муносабатларини ривожлантириш, ҳалол рақобат учун шарт-шароит яратиш, қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини таъминлаш, адолатли солиқ тизимини йўлга қўйиш, монополистик фаолиятни чеклаш орқали том маънода эркин бозор иқтисодиётини шакллантириш учун барқарор асос яратилмоқда.



Тадбиркорликка кенг йўл очилгани ҳисобига, сўнгги олти йилда уларнинг сони 6 баравар ошиб, бугунги кунда 2 миллионга етди. Тушумлари 1 миллион доллардан ошган тадбиркорлар 26 мингтага, 100 миллион долларга етказганлар эса, 220 тага етди.

Лойиҳада мулк дахлсизлиги ва у билан боғлиқ ҳуқуқларнинг таъминланиши давлат томонидан кафолатланиши, мулкий ҳуқуқларни чеклаш фақат суд қарори асосида бўлиши мустаҳкамланмоқда. Мамлакатимизда товарлар, хизматлар, меҳнат ресурслари ва молиявий маблағларнинг эркин ҳаракатланиши кафолатланмоқда. Бу иқтисодиёт барқарор ўсиши, фаровон ҳаётимиз таянчи ҳисобланган тадбиркор ва ишбилармонларимизнинг эркин фаолияти учун мустаҳкам ҳуқуқий кафолат яратиши қайд этилди.

### ДАВЛАТ БЕБАҲО ТАБИИЙ БОЙЛИКЛАРИМИЗНИ КЎПАЙТИРИШ, АСРАБ-АВАЙЛАШ ВА АТРОФ-МУҲИТ МУСАФФОЛИГИНИ САҚЛАШ ЧОРАЛАРИНИ КЎРАДИ

Аҳоли ҳаёти ва саломатлик даражасини яхшилашнинг зарурий шарти сифатида Конституцияда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича комплекс чоралар белгиланмоқда.

Депутатлар томонидан сўнгги уч йилда қурилишлардан норози бўлиб, аҳолидан 15 мингта мурожаат келиб тушгани, судлар томонидан биргина Тошкент шаҳрида 200 дан ортиқ қурилишлар тўхтатиб қўйилганлиги, автомобиллар сони 1,3 миллионга кўпайиб, 3,6 миллионга етганлиги, ҳар йили атмосфера ҳавосига 2,2 миллион тонна саноат ва транспорт ташланмалари чиқарилаётганлиги ҳам ушбу масала тобора долзарб аҳамият касб этаётганлигидан далолат бериши таъкидланди.

Шу муносабат билан, давлат атроф-муҳитни яхшилаш, тиклаш ва муҳофаза қилиш, экологик мувозанатни сақлаш бўйича чораларни амалга оширади, фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлаш ва атроф-муҳитга зарарли таъсир кўрсатилишига йўл қўймаслик мақсадида шаҳарсозлик фаолияти соҳасида жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратади. Шу билан бирга Ҳукуматнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, биологик хилма-хилликни сақлаш ва иқлим ўзгаришига қарши курашиш соҳасидаги масъулияти белгиланмоқда.

Шаҳарларнинг бош режаларини жамоатчилик муҳокамасидан мажбурий ўтказилиши шартлиги ҳақидаги конституциявий қоида ҳозирги шароитда тобора долзарб аҳамият касб этиб бораётган шаҳарсозликка оид масалаларни халқимиз билан бамаслаҳат ечиш имконини беради.

Депутатлар Конституцияга киритилаётган ушбу нормалар табиий захиралар қисқараётган, глобал иқлим ўзгариши, экология ва табиат билан боғлиқ муаммолар инсоният келажагига таҳдид солаётган ҳозирги даврда муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

### ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ ЯНАДА ФАОЛ БЎЛИШИ УЧУН КЕНГ ИМКОНИЯТ ВА КУЧЛИ ҲИМОЯ ТАҚДИМ ЭТИЛМОҚДА

Конституциямизда оммавий ахборот воситалари фаолиятининг эркинлиги, уларнинг ахборотни излаш, олиш, ундан фойдаланиш ва уни тарқатишга бўлган ҳуқуқлари кафолатланмоқда.

Депутатлар халқ овози ва фикрини кенг жамоатчиликка, давлат идоралари эътиборига олиб чиқаётган оммавий ахборот воситалари, журналистлар фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки аралашиш жавобгарликка сабаб бўлиши ҳақидаги қоида Бош қомусимизда муҳрланаётганлиги юртимизда сўз ва ахборот эркинлигини янада юксалишини эътироф этдилар.

Конституциямизга илк маротаба фуқаролик жамияти институтларига бағишланган алоҳида боб киритилиши ва улар фаолияти кафолатларининг белгиланиши жамиятда очиқлик, ошкоралик ва қонунийлик муҳитини, давлат ва жамият ўртасидаги мулоқотни мустаҳкамлаш ҳамда кучли жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш учун мустаҳкам замин ҳозирлайди.

### ИНСОН ФАРОВОН ЯШАШИ, ДАВЛАТ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИ УЧУН САМАРАЛИ, ИХЧАМ ВА ХАЛҚЧИЛ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ЖОРИЙ ҚИЛИНАДИ ҲАМДА ПАРЛАМЕНТАРИЗМ ЯНАДА КУЧАЙТИРИЛАДИ

Янгиланаётган Конституция халқпарвар давлат қуриш мақсадида кучли парламент, ихчам ва масъулиятли ҳукумат, мустақил ва адолатли суд тизимини барпо этишга қаратилган.

Давлат ҳокимияти тизими ягона ва яхлит бўлиб, ҳокимиятнинг бир бўғинини модернизация қилиш унинг бошқа тармоқларида ҳам ислоҳотларни тақозо қилади. Шунга кўра, тармоқлар ўртасида бир-бирини тийиш ва мувозанатни сақлаш тизимининг самарали ишлашини таъминлаш мақсадида парламент палаталарининг ваколатлари қайта кўриб чиқилмоқда.

Унга кўра, Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг ваколатлари сезиларли даражада кенгаймоқда, икки палата ишидаги такрорланишлар бартараф этилиб, ҳар бирининг масъулият соҳаси аниқ белгиланмоқда. Хусусан, Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатлари амалдаги 5 тадан 12 тага, Сенатда эса, 14 тадан 18 тага кўпаймоқда.

Бош вазир номзодини кўриб чиқиш ва маъқуллаш, Давлат бюджети ижросини назорат қилиш, Ҳисоб палатасининг ҳисоботини кўриб чиқиш каби ваколатлар бевосита халқ томонидан тўғридан-тўғри сайланадиган Қонунчилик палатаси ваколатига ўтказилмоқда. Бу ўзгариш қуйи палатанинг вакиллик табиатига ва илғор хорижий тажрибага тўла мос келади.

Муҳокамаларга бой бўлган йиғилишда қайд этилганидек, марказда ва жойлардаги ижро ҳокимияти органлари фаолиятида қатъий тартиб-интизом, масъулият, натижадорликни кучайтириш мақсадида шунингдек, илғор хорижий тажрибани инобатга олиб, Бош вазир номзодини Президент Қонунчилик палатасига киритиб, халқ вакиллари маъқуллагандан сўнг лавозимга тайинлаш тартиби жорий этилмоқда. Бош вазир номзодини Қонунчилик палатасига тақдим қилишдан олдин Президент томонидан барча сиёсий партиялар фракциялари билан маслаҳатлашувлар ўтказиш назарда тутилмоқда.

Амалдаги тартибга кўра, Бош вазир номзодини кўриб чиқиш фақат Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп овоз олган партия ёки партиялар иродасига боғланган эди. Янги таклиф этилаётган тартиб орқали эса барча сиёсий партиялар фракцияларининг нафақат Бош вазир номзодини кўриб чиқишда, балки бутун Ҳукуматни шакллантиришдаги иштироки таъминланади. Яъни, амалдаги тартиб янада демократик мазмун касб этади.

Фаолияти қониқарсиз деб топилган вазирни лавозимидан озод этиш бўйича Қонунчилик палатасининг Президентга таклиф киритиш ҳуқуқининг белгиланаётганлиги Ҳукумат аъзоларининг халқ вакиллари олдидаги ҳисобдорлигини янада оширишга хизмат қилади.

Сенат олдига қўйилаётган янги вазифалардан келиб чиқиб, уни ихчам, халқчил ва ҳудудлар манфаатини ифода этадиган идорага айлантириш мақсадида унинг маҳаллий Кенгашларга кўмаклашиш бўйича ваколати ҳам Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилмоқда.

Ушбу конституциявий нормалар Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегияси ва маъмурий ислоҳотларнинг устувор йўналишларига ҳамоҳанг бўлиб, парламент палаталари ваколатларини аниқ чегаралаб беради, улар фаолиятидаги ўзаро такрорланишларни бартараф этади, параллел функцияларни мақбуллаштиради, Олий Мажлиснинг ягона яхлит орган сифатида самарали фаолият олиб боришини таъминлайди.

Шу билан бирга жойлардан тенг вакилликни сақлаб қолган ҳолда, сенаторлар сонини ҳозирги 100 нафардан 65 нафарга тушириш, бунда ҳар бир ҳудуддан 4 тадан сенатор сайланиши, Президент томонидан тайинланадиган сенаторлар сони эса 16 тадан 9 тага камайтирилаётганлиги ҳақида айтиб ўтилди. Бу Олий Мажлис Сенати фаолиятини мамлакатимизда амалга оширилаётган маъмурий ислоҳотлар моҳиятига монанд тарзда модернизациялаш имконини беради.

Парламентнинг қуйи палатаси томонидан киритилган қонунлар Сенатда 60 кун ичида кўриб чиқилиши, муддат ўтиб кетса, ушбу қонун маъқулланган деб ҳисобланиши ва имзолаш учун Президентга юбориш амалиёти жорий қилинаётганлиги ҳам таъкидланди.

### ПАРЛАМЕНТНИНГ СУД ВА НАЗОРАТ ОРГАНЛАРИ, ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР ВА МАХСУС ХИЗМАТЛАР ФАОЛИЯТИ УСТИДАН НАЗОРАТ ФУНКЦИЯЛАРИ КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

Олий Мажлис палаталарининг биргаликдаги ваколатлари ҳам кучайтирилиб, парламент назоратининг муҳим шакли бўлган парламент текшируви институти Конституцияда алоҳида мустаҳкамлаб қўйилмоқда.

Олий Мажлиснинг жамият ҳаётидаги ўрни, роли ва таъсирини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ваколатлари парламентга ўтказилмоқда.

Хусусан, Бош прокурор, Ҳисоб палатаси раҳбарлигига номзодлар аввал Сенатда кўриб чиқилиб, кейин Президент томонидан тайинланиш, шунингдек, монополияга ва коррупцияга қарши курашиш органлари раҳбарларини Сенат томонидан сайлаш амалиёти жорий этилмоқда.

Махсус хизматлар фаолияти устидан парламент назоратини кучайтириш мақсадида Давлат хавфсизлик хизмати раҳбарлигига номзод аввал Сенатда кўриб чиқилиб, кейин Президент томонидан тайинланиши тартиби жорий этилмоқда.

Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш мақсадида Судьялар олий кенгашининг барча аъзоларини Сенат томонидан сайлаш тизими киритилмоқда.

### ҲОКИМЛАРНИНГ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ КЕНГАШЛАРИГА РАҲБАРЛИК ҚИЛИШ ИНСТИТУТИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Маҳаллий даражада ҳокимиятлар бўлиниши принципини амалга ошириш, ҳокимларнинг халқ депутатлари Кенгашларига раҳбарлик қилиш институтини тугатиш давлат бошқаруви тизими янгиланишининг мантиқий давоми бўлиши қайд этилди.

Йиғилишда сўзга чиқувчилар томонидан маҳаллий даражада ҳокимиятлар бўлиниши принципи амалга оширилиб, ҳокимларнинг халқ депутатлари Кенгашларига раҳбарлик қилиш институти босқичма-босқич, яъни вилоят Кенгашлари учун 2024 йилдан, туман Кенгашлари учун эса, 2026 йилдан эътиборан тугатилаётганлиги мамлакатда амалга оширилаётган маъмурий ислоҳотлар, давлат бошқаруви тизими янгиланишининг мантиқий давоми бўлиши таъкидланди.

Маҳаллий давлат бошқаруви соҳасида киритилаётган мазкур ўзгаришлар бутун давлат ҳокимияти тизимини демократлаштиришга, ҳокимиятлар бўлиниши принципини изчиллик билан амалга оширишга ҳамда чинакам халқпарвар давлатчилик асосларини яратишга хизмат қилади.

### БАРЧА МАСАЛАЛАР ЕЧИМИ ЧИНАКАМ ХАЛҚ ОВОЗИ БЎЛГАН МАҲАЛЛА ДАРАЖАСИГА ТУШИРИЛАДИ

Конституцияда маҳаллаларга аҳолининг кундалик муаммоларини ҳал қилиш бўйича мустақил қарор қабул қилиш ваколатлари бериш, бунинг учун ташкилий ва молиявий имкониятлар яратиш белгиланмоқда.

Буларнинг барчаси, давлат ҳокимиятида ҳисобдорлик, шаффофлик, самарали қарор қабул қилиш ва унинг натижадорлигини оширишга хизмат қилади.

### КОНСТИТУЦИЯДА СУД ҲОКИМИЯТИНИНГ ЧИНАКАМ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА СУД ТИЗИМИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА НОРМАЛАР КИРИТИЛМОҚДА

Муҳокамаларда судлар фаолияти мустақиллиги кафолатларини кучайтириш, судьялар дахлсизлиги ва муайян ишлар бўйича ҳисобдор бўлмаслиги, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича киритилаётган ўзгаришлар одил судловни тўлиқ ва мустақил амалга ошириш учун муҳим кафолат бўлади.

Депутатлар судларнинг фаолиятини молиялаштириш фақат Давлат бюджетидан амалга оширилиши ва у одил судловни тўлиқ, мустақил амалга ошириш имкониятини таъминлаши кераклиги тўғрисидаги конституциявий норма чинакам адолатли ва мустақил суд тизимини шакллантиришини, судларнинг холислигини таъминлашини қайд этдилар.

Фуқароларга суд томонидан ўзига нисбатан қўлланилган қонуннинг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисида Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқининг берилиши фуқароларнинг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун янги механизм ҳисобланади.

*Конституциявий қонун лойиҳаси бўйича маслаҳатлашувлар давом этмоқда.*

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Парламент ахборот маркази**

# ЖАМИЯТ КЎЗГУСИ, МИЛЛАТ ТАРБИЯЧИСИ

**Фаолият**

Аёл – миллат келажаги, ҳаёт давомчиси. Ҳар қандай халқнинг маънавий даражасини миллат аёлларининг маънавий савияси белгилайди, деб бежиз айтилмаган. Шу жиҳатдан кейинги йилларда мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини, гендер тенгликни таъминлаш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, улар учун янги иш ўринлари яратиш, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди.



**Гулнисо САИДОВА,**
**«Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати Бошқарма бошлиғи**

Бугун юртимизда хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳуқуқ ва имкониятлари тенглигини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб ҳисобланади. Хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини мустаҳкамлаш, давлат бошқарувидаги ролини ошириш бўйича олиб борилаётган изчил ислоҳотлар, жамият ва давлат ҳаётидаги ролини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Сўнгги йилларда гендер тенгликни таъминлашнинг қонунчилик доирасида мустаҳкамлаш, хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган 20 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Шунингдек, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳаларда аёллар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлашга қаратилган 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси ишлаб чиқилди.

Гендер тенглиги нафақат ҳуқуқларнинг тенглигини назарда тутади, балки эркаклар ва аёллар ҳуқуқларини амалга оширишда тенг имкониятларни, шунингдек, натижалар тенглигини таъминлаш орқали уларнинг мақомини ўрнатишга қаратилган.

Юртимизда бугунги кунда аёл раҳбарлар – вазирлар, ҳокимлар, ишлаб чиқариш бирлашмалари, банк ва компаниялар раислари, ҳуқуқ-тартибот идораларида масъул вазифаларда хизмат қилаётган опа-сингилларимиз сони ортиб бормоқда.

Хусусан, «Адолат» СДПдан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган депутатларимизнинг 13 нафарини (61,9%) ҳамда партиямиздан сайланган сенаторларнинг 3 нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Халқ депутатлари ҳудудий Кенгашларига сайланган депутатларнинг 35 нафарини (34%), маҳаллий Кенгашларига сайланган депутатларнинг 219 нафарини (29,6%) ҳамда партия тизимида фаолияти юритаётган ходимларнинг 76 нафарини хотин-қизлар ташкил этади.

Партиянинг хотин-қизлар билан ўтган йилдаги фаолияти «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Президент фармони, «Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури ҳамда «Адолат – ҳар бир инсон учун» Сайловолди дастурида белгиланган устувор вазифаларнинг ижросига йўналтирилди.

Партия томонидан «Аёллар қаноти» йўналишида 2022 йил давомида жами 3376 та туркум тадбирлар ташкиллаштирилган бўлиб, уларда 222 мингга яқин хотин-қизлар қамраб олинди, ОАВ ва ижтимоий тармоқларда 3200 дан ортиқ материаллар ёритилди. Амалий ҳаракатлар дастурида кўзда тутилган устувор вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида ишлаб чиқилган хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги ролини оширишга қаратилган ўнга яқин лойиҳалар доирасида партиянинг барча даражадаги бўғинларида давра суҳбатлари, семинарлар, учрашувлар, конференциялар ва ўрганишлар ўтказилди.

Партиянинг ҳудудий Кенгашлар қошида фаол ва ташаббускор хотин-қизлардан иборат «Адолатнинг фаол аёллари» клуби ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда клуб аъзолари сони 4450 нафарни ташкил этди ва улар томонидан йил давомида жами 721 маротаба давра-суҳбатлари, учрашувлар ташкил этилди.

Жумладан, «Хотин-қизлар ўртасида ноқонуний меҳнат миграциясининг олдини олиш – соғлом ва адолатли жамият тараққиёти кафолати», «Оила – муқаддас қўрғон», «Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш – давр талаби», «Фуқаролар репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш – оилалар мустаҳкамлиги ва жамият саломатлиги гарови», «Илмли, маърифатли хотин-қизлар – мамлакат келажагининг мустаҳкам пойдевори», «Давлат ва жамият ривожида хотин-қизларнинг илмли ва маърифатли бўлишининг тарихий тажрибаси», «Сиёсий партияларда гендер тенглигини таъминлаш ва хотин-қизларнинг сиёсий партиялар фаолиятида иштирокини қўллаб-қувватлаш», «Хотин-қизлар камситилишига барҳам берайлик!», «Янги Ўзбекистонда хотин-қизларга яратилган имкониятлар» каби мавзуларда депутатлар, ҳамкор ташкилот вакиллари иштирокида учрашув ва давра суҳбатлари ташкил қилинди.

Партиянинг «Бир адолатчи – юз аёлга ҳимоячи» лойиҳаси доирасида хотин-қизларни турли хил тазйиқ ва зўравонликлардан ҳимоялаш мақсадида «Аёлларни зўравонликлардан ҳимоялаймиз», «Аёл ҳуқуқларини таъминлаш – тенглик тамойилининг муҳим омили» каби мавзуларда жами 1698 марта учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этилиб, 50 940 нафар хотин-қизлар билан суҳбатлар олиб борилди, улардан 956 нафарига амалий, ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди. Суҳбатлар давомида хотин-қизларга «Ҳимоя ордери»ни бериш тартиблари тушунтирилди ва 229 нафар аёлларга партия фаоллари ва депутатлар иштирокида ҳимоя ордерлари олиб берилди. Касб-ҳунар ўрганишни хоҳлаган хотин-қизларнинг 200 нафари касбга йўналтирилди.

«Адолат» СДПнинг жойлардаги депутатлик гуруҳлари томонидан Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессиялари кун тартибига хотин-қизларнинг муаммолари юзасидан жами 65 та масала киритилди ва уларнинг ечими бўйича Кенгашлар томонидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Халқ вакиллари – депутатлар аралашуви билан «Аёллар дафтари»га киритилган 1301 нафар хотин-қизлар билан юзма-юз мулоқотлар ўтказилиб, уларни қийнаётган 929 та муаммо ҳал этилишига эришилди.

«Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳасининг муҳокамаларида ҳам партиянинг «Аёллар қаноти» кенгаши аъзолари иштирокида «Конституциявий ислоҳотларда хотин-қизларнинг ўрни» мавзусида 250 дан ортиқ давра суҳбатлари ташкил этилди ва фаоллар томонидан 800га яқин таклифлар берилди.

«Соғлом аёл — буюк келажак» ғоясини ҳаётга татбиқ этишга қаратилгани хотин-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш, уларни жисмоний тарбия ва спорт билан оммавий тарзда шуғулланишга жалб қилиш борасида «Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз» шиори остида хотин-қизлар ўртасида 757 маротаба спорт мусобақалари ва марафонлар ўтказилди.

Партия аъзолари орасида «Зулфия» номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланганлар 16 нафарни ташкил этади. Ундан ташқари, 32 та турли хил давлат мукофотлари билан тақдирланган хотин-қизлар ҳам мавжуд. Ўзбекистон Қаҳрамони Муҳаббат Шаропова, Давлат мукофотлари совриндорлари – Қорақалпоғистон Республикасидан Ўрингул Аллабергенова, Рўзибика Аитбаева, Сурхондарё вилоятидан Сабоҳат Алимова, Муборак Мамадалиева, Тошкент шаҳридан Дилором Тошмухамедова, Гулбаҳор Мақсудова, Мукаррамхон Азимоваларни партиямиз фахри дейишимиз мумкин .

«Адолат» СДП хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнини алоҳида таъкидлаб, уларнинг сиёсий фаоллигини ошириш лозимлигини эътироф этиб келади. Шу сабабли хотин-қизларнинг муносиб меҳнат қилиши ва қобилиятлари, салоҳиятини рўёбга чиқариш учун шарт-шароит яратиш, жамиятдаги ўрни ва мақомини мустаҳкамлашга кўмаклашиш партиямизнинг муҳим вазифалари сирасига киради.

«Бир ойда бир иш ўрни» лойиҳаси доирасида республика миқёсида партиянинг ҳудудий Кенгашлари фаоллари ва депутатлар кўмаги билан 1890 нафар ишсиз хотин-қизларнинг ишга жойлашишига кўмаклашилди.

*Мухтасар қилиб айтганда, аёлларни ардоқлаш, оғирини енгил қилиш, ҳуқуқ ва манфаатларини қонуний мустаҳкамлашга давлатимиз томонидан катта аҳамият берилмоқда. Опа-сингилларимизга муносиб меҳнат ва турмуш шароити яратилишида фаол бўлиш, уларни илм олишга, жамиятда фаол бўлишга ундаш нафақат партияларнинг, балки барчамизнинг ҳам вазифамиз, муқаддас инсоний бурчимиздир. Зеро, аёл – жамият кўзгуси, миллат тарбиячиси. Унинг меҳр-муҳаббати келажагимиз эгаларининг жонажон Ватанимиз равнақи ва осойишталиги, халқимиз фаровонлиги йўлида садоқат билан хизмат қиладиган баркамол инсонлар сифатида вояга етишида муҳим омил ҳисобланади.*

**Мукофот муборак!**

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонига мувофиқ «Мўътабар аёл» кўкрак нишони таъсис этилиб, жамиятимизда ижтимоий фаол хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг эл-юрт олдида кўрсатган хизматларини муносиб рағбатлантириш мақсадида ҳар йили бир гуруҳ аёллар ушбу кўкрак нишони билан мукофотланади. Бу йилги 8 март байрами арафасида ҳам фаол опа-сингилларимиз мукофот соҳиби бўлишди.**

## “Мўътабар аёл”лар кўпаймоқда

Улар орасида андижонлик партиядошимиз Насиба Тўйчиева ҳам бор. У бундай эътирофга чиндан ҳам муносиб. Халқ депутатлари Андижон вилоят кенгаши депутати сифатида жамоатчилик орасида сезиларли ишларни амалга оширмоқда. Қонунларимизга киритилаётган ўзгартишларни жамоатчиликка ўз вақтида етказиш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, оила институтини мустаҳкамлаш борасида олиб бораётган ишлари эътиборга лойиқ. Ўзи депутат этиб сайланган Асака туманидаги муаммоларнинг ечимини топишда ҳам ташаббускор.



Юқоридагилардан ташқари халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгаши котибият мудири сифатида депутатлар билан ишлашда ҳам фаол. Унинг ташаббуси билан кенгаш муҳокамасига киритилган ҳар бир масала ечим топмоқда. Бу ўз-ўзидан жамоатчиликнинг депутатга бўлган ишончини оширмоқда.

– ***Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси томонидан таъсис этилган ушбу мукофот биз, аёлларнинг камтарин меҳнатимизга берилган юксак баҳодир,*** – дейди Насиба Тўйчиева. – ***Жамият ва давлат ҳаётида фаоллик ҳамда ташаббускорлик кўрсатаётган опа-сингилларимиз бунга жавобан шижоат билан ишлашни ўз олдиларига вазифа қилиб олдилар. Соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, уларни ватанпарварлик ҳамда истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, жойларда маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириш йўлида янада ғайрат билан иш олиб борамиз.***

**Андижон вилоят кенгаши матбуот хизмати**

**Байрам тадбири**

## Жамият гултожларига эҳтиром

Муҳтарама аёллар ҳақида гапирганда, бир муҳим жиҳатга эътибор қаратиш жоиз. Ҳар қандай инсон – онанинг фарзанди. Ҳаётга шундай мард, жасур, фидоий, оқил ва даҳо фарзанд етказиб берган оналарни эъзозламасак бўладими?

**Муқаддас МУРОДОВА,**
**халқ депутатлари Китоб тумани Кенгаши депутати**

8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан “Адолат” СДП Китоб тумани Кенгаши ва туман ҳокимлиги ҳамкорлигида “Сен барибир муқаддассан, аёл” мавзуидаги байрам тадбирида шу ҳақда сўз юритилди.

– *“Адолат” СДП Қашқадарё вилоят кенгаши сафларида 50 минг нафардан ортиқ аъзолар уюшган бўлса, шуларнинг қарийб 20 минг нафарини хотин-қизлар ташкил этади,* – дейди халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Абдуқаҳҳор Аҳмедов. – *Ҳақиқатдан ҳам аёл кичик оиланинггина эмас, жамиятнинг ҳам гултожидир. Эътибор бериб қарасангиз, қайси жамоада бўлмасин, агар аёл фаолият юритса, албатта, у ердан самимийликнинг, меҳрнинг, нафосатнинг ҳиди келади. Оламшумул бахтнинг нафаси елади. Шу кеча-кундузда хотин-қизларимиз ҳамма жабҳада ўз фаолликларини намоён этишаяпти. Бир нечта хорижий тилларни ўзлаштириб, компьютер билан бемалол тиллашиб, диллашиб янгиликлар яратишаяпти.*

Тадбирда аёлнинг нафосати ва назокати, вафо ва садоқати, ақл-заковати ва фидойилиги асрлар мобайнида ер юзида ҳаёт давомийлиги ва абадийлигига асос бўлиб келаётганлиги эътироф этилди.

Халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Марҳабо Шукруллаева, вилоят кенгаши раиси ўринбосари Гулноза Раджабова ва бошқалар ҳам сўзга чиқиб, дунёдаги энг буюк бадиий ва санъат асарлари, қўшиқ ва достонлар, қасидалар, меъморий обидалар азиз ва мукаррам аёллар шаънига бағишланганлигини мамнуният билан таъкидлашди. Зеро, оила ва жамиятимиз устуни, фаровон ҳаётимизнинг файзи ва кўрки бўлган мунис опа-сингилларимизни эъзозлаш, уларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш халқимиз учун азал-азалдан буюк қадрият бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.





**Ҳар қандай давлат ва жамият тараққиёти бир қатор омиллар асосида юз беради. Бу жараёнда аёллар, уларнинг ижтимоий-сиёсий муносабатлардаги иштироки, ҳуқуқ ва эркинликлари амалда таъминланганлиги масаласи – давлатлар ривожининг ҳамда демократиянинг муҳим индекси саналади. Зотан, аёл ва унинг жамият ҳаётидаги ўрни ҳамиша муҳим мезон бўлиб келган.**

Бу йилги тақдирланганлар орасида партиямизнинг фахрийси 80 ёшли Ойнисо она Мажидованинг ҳам борлиги кўплаб партиядошларимизни бирдек қувонтирди.

Ўн тўрт нафар фарзандни дунёга келтириб, уларнинг ҳар бирини олий маълумотли қилган Ойнисо она “Қаҳрамон она” унвони билан ҳам тақдирланган. Фарзандларининг уч нафари илм йўлини танлаган бўлиб, ҳозирги кунда улар фан номзоди. Қолган фарзандлари ҳам турли соҳаларда юртимиз равнақи йўлида фаолият олиб боришмоқда.

Элликка яқин набираларнинг севимли бувижониси бўлган Ойнисо она оила ва жамият, оила ва маҳалла муносабатлари билан боғлиқ анъаналар, аждодларимиз меросини ўрганишда ва оммалаштиришда, тарбияда адолат ҳамда умуминсоний қадриятларнинг ўрнини юксалтиришда, оила ва никоҳнинг муқаддаслигини ёш авлод онгига чуқур сингдиришда намуна кўрсатиб келмоқда.

**Жиззах вилоят кенгаши матбуот хизмати**

“Адолат” шарҳи

# Ҳуқуқ ва эркинликлар ишончли ҳимоя қилинади

**Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга доир олиб борилаётган ислоҳотлар ушбу соҳани институционал ва ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.**

**Дилшунос АБДУЛЛАЕВА,**
**“Юксалиш” Умуммиллий ҳаракати Сирдарё вилояти ҳудудий бўлинмаси раҳбари,**
**Халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати**




Ушбу жараёнда ривожланган хорижий давлатларнинг тажрибаси, халқаро ташкилотларнинг тавсия ва таклифлари инобатга олиниб келинмоқда. Жумладан, мазкур йўналишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тегишли ташкилотлар билан биргаликда соҳада фаолият юритадиган давлат ва жамоатчилик ташкилотларининг фаолияти такомиллаштирилди.

Буни ННТлар роли оширилгани, оммавий ахборот воситалари фаоллашгани, давлат органлари ҳисобдорлигининг ортганлиги, очиқлик ҳамда ошкоралик принциплари таъминланишидаги такомиллашув ва шу каби бошқа ислоҳотлар мисолида кўриш мумкин.

Шуни алоҳида айтиш лозимки, ташкил этилаётган институтлар тобора такомиллашиб бормоқда. Жумладан, “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати, Президент ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (Бизнес-омбудсман) институтининг ташкил қилиниши бунга яққол далилдир.

Шу билан биргаликда, фуқароларнинг давлат органлари билан муносабатда ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни самарали ташкил этишни янги босқичга олиб чиқиш мақсадида маъмурий судлар ташкил қилинди.

Маълумки, маъмурий судларнинг асосий вазифаси – фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг давлат органлари билан муносабатларида қонун устуворлигини таъминлаш билан бирга, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишдан иборат.

Бугунги кунда ахборот ҳуқуқи соҳасида очиқлик ва ошкораликнинг таъминланиши борасида жуда катта ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бинобарин, аҳолининг ахборот тарқатиш ва ахборот олишга доир ҳуқуқ ва эркинликлари ҳам такомиллашиб бормоқда.

Буни ҳозирги кунда ОАВларининг давлат ва жамият қурилишида танқид ва таклифлари билан иштирок этиб келаётгани, давлат органларининг ўз фаолияти ҳақидаги маълумотларни эълон қилиб бориши жорий этилганлиги, босма ва электрон нашрлар ҳамда телеканаллар сонининг ортганлиги, аҳолининг ижтимоий тармоқлардаги фаоллиги, интернет тезлигининг ошиб бораётганлиги каби саъй-ҳаракатларда кўриш мумкин.

> Сўнгги йилларда давлат идоралари томонидан жамоатчилик билан алоқаларни мустаҳкамлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада оммавий ахборот воситаларидаги танқидий чиқишларга вазирлик ва идоралар, ҳокимликларнинг ахборот хизматлари орқали тезкор муносабат билдириш амалиёти шаклланди.

Сўнгги йилларда давлат идоралари томонидан жамоатчилик билан алоқаларни мустаҳкамлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада оммавий ахборот воситаларидаги танқидий чиқишларга вазирлик ва идоралар, ҳокимликларнинг ахборот хизматлари орқали тезкор муносабат билдириш амалиёти шаклланди.

Маълумки, давлатимиз раҳбари 2022 йил 28 январь куни “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармонни имзолади. Фармон билан тасдиқланган тараққиёт стратегиясида “Инсон қадри учун” ва “Давлат инсонлар учун” каби юксак тамойилларга асосланган ҳолда яқин ва ўрта муддатли даврда мамлакатни ривожлантириш бўйича 7 та устувор йўналиш ҳамда 100 та мақсад қамраб олинди.

Президентимиз Ўзбекистонни “Ҳуқуқ устуворлиги индекси» юқори бўлган давлатлар қаторига киритиш асосий вазифалардан бири эканини таъкидлаб ўтди. Шу мақсадда мулкни ҳимоя қилиш ва маъмурий судларнинг ваколатларини кенгайтириш орқали фуқаролар ҳамда тадбиркорлар ҳуқуқини кафолатлашнинг янги тизими яратилмоқда.

Жамиятда, инсон, унинг ҳаёти, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, қонуний манфаатларини таъминлаш замондошларимиз қадрини улуғлаш учун олиб борилаётган ислоҳотларимизнинг диққат марказида турибди.

Зеро, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, пировардида “Инсон қадри учун” тамойилини ҳаётга тўлақонли татбиқ этиш устувор вазифалардан бири бўлиб қолаверади.

Ёшлар фикри

# Телевизор чиқинди идиши эмас...

**Реклама – тижорий самарадорликка эришиш мақсадида амалга ошириладиган фаолият. Унинг ортидан реклама берувчи шахслар манфаат топади. Бугунги кунда телевидение, радио ва ижтимоий тармоқлар орқали турли хилдаги рекламалар омма эътиборига узлуксиз ҳавола этиб келинмоқда. Бироқ, афсуски, уларнинг орасида менталитетимизга тўғри келмайдиганлари ҳам бор.**

**Дилнавоз ТЎХТАЕВА,**
**Бухоро давлат университети филология факультети 1-босқич талабаси**




Бир тасаввур қилинг-а дастурхон атрофида оила аъзоларингиз билан овқатланиб ўтирганингизда гемаройни даволаш, простата бези аденомасининг олдини олиш, эркаклик қувватини ошириш дори воситалари, шунингдек, аёллар гигиенасига оид рекламалар эфирга узатилса, таъбингиз хира бўлмайдими? Ўша пайтда ёнингизда қизингиз ёки келинингиз бўлса борми, уятдан ўзингизни қаерга қўйишингизни билмай қоласиз.

Яқинда кичкина сингилчам «Болажон» телеканалида мультсериал томоша қилиб турганди. Орада бир реклама қўйилди. Нима эмиш, «Ҳазм қилиш билан бўлса муаммо, “Крезам” сизга бўлади даво». Экранда овқат билан тўлган ошқозонни сурати.

– Опажон, бу қўрқинчли, баҳайбат нарса нима? – деб сўради сингилчам.

– Ошқозон.

– Овқат есак, у шунчалик катта бўлиб кетадими?

– Йўқ. Улар шунчаки камроқ овқат енг демоқчи, – дея овутдим уни.

Бечора синглим то ўша рекламани ёдидан чиқаргунча тўрт-беш кун эрталаблари ноништа қилмайдиган бўлди.

Бизнеснинг двигатели реклама экан, деб дуч келган нарсани оммага намойиш этавермайдилар-ку. Аслида баъзи бир канал эгалари ва реклама берувчиларнинг қўллари халқнинг чўнтагида. Тўғри, истеъмолчи эътиборини жалб қилиш бироз мушкул масала. Лекин шундай экан деб менталитетимизга, қадриятларимизга, қолаверса, соғлиғимизга ҳам путур етказадиган нарсаларни реклама қилиш тўғримикан? “Док-1Макс” дори воситасини кўтарасига эфирда намойиш этдилар. Оқибатда йигирмадан ортиқ гўдак реклама қилинган дори воситаларидан заҳарланиб, ёруғ оламни тарк этди. Шу дорини беморларга тавсия қилган докторлар билан бирга рекламачиларни ўша норасталарнинг уволи урмайди дейсизми?!

> Тунов куни оилавий «Ўткан кунлар» киносини томоша қилиб тургандик. Бирдан экранда пайдо бўлган ярим яланғоч қизлар «Котех»ни реклама қила бошлашди. Ёнимда ўтирган 7 ёшли укам: “Опа, бу нима ўзи?” деб қолса бўладими! Ич-ичимдан нафратланиб кетдим. Пул деб одамзод бу қадар бетини очиб ташламайди.

Тунов куни оилавий «Ўткан кунлар» киносини томоша қилиб тургандик. Бирдан экранда пайдо бўлган ярим яланғоч қизлар «Котех»ни реклама қила бошлашди. Ёнимда ўтирган 7 ёшли укам: “Опа, бу нима ўзи?” деб қолса бўладими! Ич-ичимдан нафратланиб кетдим. Пул деб одамзод бу қадар бетини очиб ташламайди.

Ҳурматли канал эгалари ва реклама берувчилар, телевизор чиқинди идиши эмас дуч келган нарсани намойиш қиладиган. Юртдошларимизнинг эстетик дидини ўлдирадиган рекламаларингизни телевизордан олиб ташланг. Зеро, энг ёмони, бу рекламалар болаларнинг онгида негатив ўй-фикрлар пайдо бўлишига ҳам сабаб бўлмоқда.

Ё мен адашяпманми?..

Сиз бу ҳақда қандай фикрдасиз, муҳтарам газетхонлар?!

## КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ АГЕНТЛИГИНИНГ “ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ”ДА АМАЛГА ОШИРИШГА ОИД ДАВЛАТ ДАСТУРИДА АМАЛГА ОШИРИЛИШИ ЛОЗИМ МУҲИМ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАР

***Илғор тажрибалар асосида солиқ ва божхона маъмурчилигини тубдан ислоҳ қилиш бўйича:***

- Бюджет билан муносабатларни бошқариш дирекциясини ташкил этиш;

- солиқларни ўз вақтида тўлаётган интизомли солиқ тўловчилар бўйича “Ишончли солиқ тўловчиси рейтинги”ни юритиш.

***Мактабгача таълим тизимида ноқонуний молиявий хатти-ҳаракатлар, коррупция ҳолатлари ва бюджет маблағларининг мақсадсиз сарфланишининг олдини олиш бўйича:***

- “Давлат мактабгача таълим ташкилотларини бошқаришнинг автоматлаштирилган тизими”ни ишга тушириш;

- ходимлар ва тарбияланувчиларнинг давомати ҳамда болаларни овқатлантириш билан боғлиқ харажатларни электрон ҳисобланишини йўлга қўйиш;

- “Ягона мавсумий таомнома”ни жорий этиш.

***Давлат хизматида ҳалоллик стандартларини жорий этиш мақсадида:***

***Коррупцияга қарши курашишда давлат органлари ва ташкилотларининг ички назорат тузилмалари мустақиллигини таъминлаш мақсадида қуйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш:***

- давлат органлари ва ташкилотлари ички назорат тузилмалари ҳуқуқий мақомини белгилаш;

- ички назорат тузилмаларининг функция, вазифа, ваколат ва мажбуриятларини аниқ белгилаш, уларнинг штатлар сонини белгилашнинг аниқ мезонларини ишлаб чиқиш;

- ички назорат тузилмалари ходимларига қўйиладиган малака талабларини белгилаш;

- ички назорат тузилмалари ходимларини мажбурий тартибда малакасини ошириш, аттестациядан ўтказиш тартибини белгилаш.

Ҳуқуқингизни биласизми?

## НОДАВЛАТ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТИ ФИЛИАЛИ МАНЗИЛИ ЛИЦЕНЗИЯДА КЎРСАТИЛИШИ ШАРТ!

***– Қорақалпоғистонда янги очилган нодавлат олий таълим ташкилотининг Самарқандда филиали очилгани ҳақидаги эълонни кўриб қолдим. Мен кўрган лицензияда Қорақалпоғистондаги манзил ёзилган. Нодавлат университетлар бошқа вилоятда филиал очадиган бўлса, ўша манзил учун ҳам лицензия олиши керак эмасми?***

**Ривож ОЛЛАБЕРГЕНОВ,**
**Нукус шаҳри**

*– Вазирлар Маҳкамасининг 2022-йил 21-февралдаги 80-сонли қарори билан нодавлат олий таълим хизматларини кўрсатиш бўйича лицензия талаблари ва шартлари тасдиқланган.*

*Ҳар бир нодавлат олий таълим ташкилоти лицензиясида фаолият манзили аниқ кўрсатилган бўлади ва бу олийгоҳ фақатгина мазкур манзилда таълим хизматларини кўрсатиш ҳуқуқига эга эканлигини билдиради.*

*Лицензияда фаолият манзили аниқ кўрсатиб ўтилишининг сабаби лицензия беришдан аввал айнан ушбу манзилдаги бино ва ҳududнинг қарорда белгиланган талаб ва шартларга мувофиқлиги ўрганиб чиқилади. Қонуний филиали мавжуд университетларнинг лицензиясида филиал манзили ҳам кўрсатиб ўтилган бўлади.*

*Айрим нодавлат олийгоҳлар фуқароларга қулайлик яратиш мақсадида бошқа вилоятда ҳам қабул офислари фаолиятини йўлга қўйиши мумкин. Бироқ бу ҳолат университетнинг таълим тизими ўша вилоятда ҳам амалга оширилади, деган маънони англатмайди.*

*Агар қайсидир нодавлат университетнинг вакиллари Сизга бошқа манзилда филиали борлигини маълум қилса, лицензиядаги фаолият манзили қисмида ўша манзил ҳам кўрсатиб ўтилганлигини текшириб кўринг.*

**Саволга Таълим назорати инспекцияси матбуот хизмати жавоб берди**

## СИНОВ МУДДАТИ ДАВОМИДА МАОШ ТЎЛАНМАЙДИМИ

***– Ишга қабул қилинишда бериладиган синов муддати давомида ҳақ тўланадими?***

***Ўтган йили бакалавр дипломини олганимдан сўнг синов муддати асосида бир муассасага ишга жойлашдим. Синов муддати давомида ҳеч қандай маош тўланмади. Синов муддати тугагач, ишга қабул қилинмаганимни айтишди. Кейин эса бошқа иш топдим ва яна синов муддати белгиланди. Ўзи ишга қабул қилинишда бериладиган синов муддати барча учун татбиқ этиладими? Синов муддати давомида ҳақ тўланадими?***

**Муҳайё ЭРГАШЕВА,**
**Тошкент шаҳри**

*– Аввало, синов муддати ўзи нима эканлигига ойдинлик киритсак. Меҳнат кодексига кўра, дастлабки синов муддати уч ойдан, ташкилотларнинг раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари, бош бухгалтерлар ҳамда ташкилотлар алоҳида бўлинмаларининг раҳбарлари учун эса олти ойдан ошмаслиги керак. Лекин Меҳнат кодексида давлат грантлари асосида ўқиган ва олий таълим ташкилотини тамомлаган кундан эътиборан уч ой ичида йўлланма бўйича мутахассислигига доир ишга кираётган олий таълим ташкилотларининг битирувчиларига дастлабки синов муддати татбиқ этилмаган ҳолда ишга қабул қилиниши белгиланган. Давлат гранти асосида таҳсил олмаган ва уч ой ичида тегишли йўлланмани қўлга киритмаган ёхуд уч ойдан сўнг ишга кираётган шахс дастлабки синов муддати билан ишга қабул қилинади.*

*Дастлабки синов даврида ходимга ҳақ тўланиши жорий қилиниши лозим. Бунинг ҳуқуқий асоси Меҳнат кодексининг 131-моддасида: “Дастлабки синов даврида ходимга нисбатан меҳнат тўғрисидаги қонунчиликнинг ва меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларнинг амал қилиши тўлиқ татбиқ этилади”, деб белгиланган.*

*Демак, синов муддати даврида бошқа ходимлар сингари, синов муддати ўтаётган ходимга ҳам ҳақ тўланиши лозим.*

**Саволга Тошкент давлат юридик университети талабаси Зебо ШАМСИЕВА жавоб берди**

Депутат бонг уради

# “АЁЛЛАР ДАФТАРИ”ДАН АСОССИЗ ЧИҚАРИЛГАН БЕШ МИНГГА ЯҚИН ХОТИН-ҚИЗЛАР



# МАСЪУЛЛАР НЕГА УЛАРНИНГ ТАҚДИРИГА БЕФАРҚ?

**«Аёллар дафтари»дан чиқариш масаласи 2022 йилнинг 30 декабрь куни бўлиб ўтган Халқ депутатлари туман кенгашининг 66-сессияси кун тартибига киритилмаган эди.**

**Кенгаш раисининг «Вилоятда фақат бизнинг туман қолибди, туманимиз шаънига яхши бўлмайди», деб билдирган таклифи кўпчилик депутатларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлган бўлса-да, бу масала ихтиёрий-мажбурий тарзда мазкур сессия кун тартибига киритилди.**

**Шу боис, туман оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи Г.Каримованинг дафтардан чиқариш бўйича берган юзаки ахборотига ҳам эътирозлар кўп бўлди.**

**Назиржон ИСАҚОВ,**
**Халқ депутатлари Фарғона туман кенгаши депутати, ҳуқуқшунос**

Сессияда бирданига 4974 нафар хотин-қизларнинг ижтимоий ҳолати, турмуш тарзи ўрганилмай дафтардан чиқаришга розилик берилгани чиндан ҳам таассуфлидир.

Сессиядан кейин депутатлар Кенгашига тақдим қилинган рўйхатдан чиқарилган хотин-қизларнинг муаммолари юзасидан баъзи маҳалла фуқаролар йиғини кесимида ўрганишимиз давомида ғоят ачинарли ва ташвишли ҳолатларнинг гувоҳи бўлдик.

“Обод” МФЙда яшовчи 59 нафар ёрдамга муҳтож хотин-қизларнинг барчасини рўйхатдан чиқариш учун гўёки “мактабга”, “ошхонага” фаррошлик, “агропиллага қурт боқувчи”, “Баҳодир Лоғон” МЧЖга ишга жойлаштирилди”, “15-сотих ер берилди” каби ёлғон маълумотлар асос қилиб келтирилган.



Масалан, **У. Собирова “Тумандаги касбга тайёрлаш марказида тикувчилик соҳасига ўқитилди”, деб ёзилган. Суҳбатлашганимизда эса у ҳамон ишсиз эканлиги, уни ҳеч ким ўқишга таклиф қилмагани аён бўлди.**

**Т.Алимовага қоғозда “Тикув машинаси берилди”, деб ёзилган, М.Ҳайитовага эса гўёки “Дилкушо” МФЙ ҳудудидан ўн йилга ижарага ер ажратилган. Хотин-қизлар билан суҳбатлашганимизда мазкур маълумотлар ёлғон экани фош бўлди.**

**“Қораянтоқ” МФЙда 70 нафар хотин-қизлар рўйхатдан чиқарилган бўлиб, Ф.Тошибоева, Ш.Олтинбоеваларга 15 сотихдан ер берилгани кўрсатилган. Ваҳоланки, уларнинг ўзлари бундан бехабар. Ҳеч қандай ёрдам кўрсатилмаган.**

**К.Қобилова, Е.Маматова, Х.Садихоновалар эса гўёки “Ишга марҳамат мономарказига ўқишга йўналтирилган”, “ўзини ўзи банд қилган”. Амалда ҳеч бири адо этилмаган. Рўйхатдан жой олган И.Ўринова, Ф.Мамажонова, О. Мусаева, Ш.Мўминова, Э.Сарибоевалар ҳам “ўзини ўзи банд қилгани”, “15 сотихдан ер берилгани”, “63-мактабга ишга жойлаштирилгани”, “80 ёшдан ўтган қайнонасига қараши” сингари “таърифлар” билан дафтардан чиқарилган. МФЙ масъулларининг маълумотига кўра эса, улар пилла қурти боқишга банд қилинган.**

**“Юқори Водил” МФЙ ҳудудида яшовчи С.Хабилдинованинг Хоразм вилоятига турмушга чиқиб кетгани рўйхатдан чиқаришга асос сифатида кўрсатилган, лекин ўрганишларимиз давомида бу дастак ёлғон бўлиб чиқди. Т. Мирзаевага 1 200 000 сўм моддий ёрдам берилгани қоғозда ёзилган бўлса-да, у пулни олмай вафот этгани аниқланди.**

**“Сойбўйи” МФЙда рўйхатга олинган 73 нафар ёрдамга муҳтож хотин-қизларнинг 32 нафари “Агропиллага ишга банд қилинди”, деб рўйхатдан чиқарилган. Лекин Агропилла корхонаси тақдим қилган 1431 нафар пиллага банд қилинганлар рўйхатидан**

> “Юқори Водил” МФЙ ҳудудида яшовчи С. Хабилдинованинг Хоразм вилоятига турмушга чиқиб кетгани рўйхатдан чиқаришга асос сифатида кўрсатилган, лекин ўрганишларимиз давомида бу дастак ёлғон бўлиб чиқди. Т. Мирзаевага 1200000 сўм моддий ёрдам берилгани қоғозда ёзилган бўлса-да, у пулни олмай вафот этгани аниқланди.

**уларнинг исм-фамилиялари топилмади.**

**“Бирдамлик” МФЙда 73 нафар рўйхатга олинган хотин-қизларнинг 18 нафари ҳам мазкур корхона билан боғланган. МФЙ етакчилари қўлидаги маълумотларда эса уларга “15 сотихдан ер ажратилгани”, “тикув машинаси берилгани”, яна бири Хоразмга турмушга чиқиб кетгани кўрсатилган.**

**“Янги аср” МФЙда яшовчи Д.Умарова II гуруҳ ногирони, 2 та вояга етмаган фарзанди бор. Меҳнатга лаёқатсиз бўлгани учун 15 сотих ер олишдан бош тортган. Лекин валломатлар “ер берилди” деб ёзгани касрига болалари учун берилаётган нафақаси тўхтатилган ва дафтардан чиқарилган.**

Хотин-қизларнинг муаммосини аниқлаш ва кўрсатиладиган ёрдам турини белгилаш лозим бўлган Индивидуал дастурлар, “Йўл харита”лари “хўжакўрсинга” тузилган. Қоғозда ҳаммаси “беш”, лекин реал ҳолат билан танишганда бунинг батамом аксини кўриш мумкин. Ҳужжатлардаги чалкашликлар, сохтакорликларнинг адоғи йўқ.

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 мартдаги “Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 145-сон қарор ва шу қарор билан тасдиқланган “Аёллар дафтари”ни юритиш орқали хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисидаги Низом”да “Аёллар дафтари”дан чиқариш тартиби белгиланган. Унга кўра, ёрдамга муҳтож хотин-қизларнинг Индивидуал дастурга киритилган масалалари тўлиқ ҳал этилиб, ўзини ўзи таъминлаш даражасида мукаммал даромад манбаига эга бўлсагина дафтардан чиқарилади.

Ҳар йил якунида муаммолари ҳал этилган-этилмаганидан қатъий назар ҳаммасини рўйхатдан чиқариш ҳақидаги қоида Низомда кўрсатилмаган бўлса-да, унга зид иш қилинди. Ваҳоланки, сектор раҳбарлари, оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиқлари “Аёллар дафтари”га маълумотларни киритиш ва чиқариш, уларнинг хаққонийлиги бўйича шахсан жавобгар ҳисобланадилар.

Ёрдамга муҳтож хотин-қизларни ёппасига рўйхатдан чиқаришга розилик берилгани туманимизга шараф келтирдими-йўқми, билмайман, лекин шуниси аниқки, сохта ҳужжатлар асосида 4974 нафар хотин-қизларни рўйхатдан чиқаришга розилик бериб, сессия хатога йўл қўйди.

ТАҲРИРИЯТДАН:

**Муҳтарам Халқ депутатлари Фарғона туман кенгаши депутатлари, халқ вакиллари! Сиз унсиз розилигингиз ёки бир гажакдор имзойингиз билан туманингиздаги беш мингга яқин (!) хотин-қизни бирваракайига рўйхатдан чиқариб ташлабсиз. Наҳотки, уларнинг ҳар бирининг тақдири билан қизиқишингизга, амалда аҳволи қандайлигини суриштириб, текшириб кўришга ҳафсала қилмадингиз? У шўрликларнинг юзига қандай қарайсиз энди? Ахир бу фармойишингиз аслини олганда уларнинг оғзидаги сўнгги бурда нонни тортиб олиш билан баробар эмасми? Аввал шароит яратинг, иш, ўзини ўзи таъминлаб яшай олишига имконият беринг, ана шундан сўнг чиқаринг эди рўйхатларингиздан! Ё қорни тўқнинг қорни оч билан иши бўлмас замонлар келдими? Лекин сизлар депутатсиз, халқ хизматкорисизлар-ку! Инсофсизлик шунчалик бўлурми?.. Сизлар тепага ёлғон ҳисоботлар бериб, кимни алдаяпсиз? Ўзингизни сайлаган элними? Ўзбекистон халқиними? Нимага эришасиз бу билан?**

**Уят эмасми, ноиб жаноблар?**

**Ҳар қалай, сизларда таҳририятга мақола муаллифини қоралаб, “душман”га чиқариб эмас, холис, ҳаққоний жавоб ёзишга журъат ва ирода етар, деган умиддамиз.**

Меҳнатидан қадр топганлар

Инсон учун оила, уй ҳар доим қалбан талпинадиган қадрдон гўша ҳисобланади. Ўқитувчи, муаллим учун уй, оиладан ташқари яна бир ардоқли, эъзозли гўзал маскан бор, бу мактаб, таълим даргоҳидир. Бу даргоҳни жажжи ўғил-қизларимизни таълим оламига бошлайдиган, ёшларнинг ақл-идроки, иқтидорини ўстирадиган, тафаккур қанотларини мустаҳкамлайдиган, келажак авлодларнинг ҳаёт йўлларини белгилаб берадиган илм-фаннинг муқаддас ўчоғи, десам хато бўлмайди.

# *Устозлар тажрибаси – ҳаёт сабоғи*

**Замира СОДИҚОВА,**
**104-умумий ўрта таълим мактабининг собиқ ўқитувчиси**

Мен ана шундай даргоҳларда салкам ярим аср фаолият юритдим. Минг-минглаб ёшларга таълим бердим, ўз соҳаларининг етук вакиллари бўлган кўплаб шогирдлар тайёрладим. Ҳаётимни шу соҳага бағишлаганимдан хурсандман. Бугун кексалик нафақасида бўлсам ҳам дилдан ўша даргоҳларни соғинаман, қалбан ўша даргоҳларга ошиқаман.

Яқинда фаолиятимнинг аксарият қисми кечган пойтахтимизнинг Сергели туманидаги 104-мактабда бўлиб ўтган “Эъзоздасиз, азиз устозлар!” деб номланган тадбирда қатнашиб бу даргоҳга бўлган соғинчни яна бир карра ҳис қилдим. Тадбирда ушбу мактабда кўп йиллар фаолият юритган 40 га яқин муаллимлар қатнашдилар. Улар орасида шу даргоҳда 40-50 йиллаб ёшларга таълим берган, ўз соҳасининг фидойиси бўлган Рихси Ғафурова, Матлуба Саидхўжаева, Турсуной Ҳидоева, Зуҳра Раҳматова, Тожихон Машарипова, Дилором Ёдгорова, Маҳбуба Мирзаева каби устозларнинг борлиги ҳар қандай одамда фахр уйғотади. Уларнинг ҳар бирининг устозлик йўли ибрат мактаби ҳисобланади. Тадбир давомида мактаб тарихи, собиқ ўқувчилар, билим масканида қўлга киритилган ютуқлар, муваффақиятлар эсланди. Бир пиёла чой устида бошланган суҳбатга мактаб жамоаси ва ёшлар қўшилди. Шу тариқа тадбир авлодлар учрашувига айланиб кетди.

Дарвоқе, ўтган йили ушбу мактабда амалга оширилган мукаммал капитал таъмир ва янгидан барпо этилган чиройли, кенг, ёруғ синфхоналари, замонавий лабораториялари, спорт заллари бу даргоҳни чинакам таълим масканига, илм-фан ўчоғига айлантирибди.




Ўтказилган тадбир нафақат кекса устозларни алоҳида эътибор, эҳтиром сифатида хурсанд қилди, балки ёш педагоглар учун тажриба борасида, таълимда яхши анъаналарнинг давомийлигини таъминлашда сабоқ ҳам бўлди. Бундай тадбирни уюштиргани учун мактаб жамоасига собиқ устозлар номидан миннатдорлик билдираман. Бундай тадбирлар бошқа мактабларда ҳам ўтказилса мақсадга мувофиқ бўларди. Зеро, устозлар тажрибаси ҳаёт сабоғидир.

# *Миллий рақсимиз жилоланаверади*

Рақсимиз миллат тарихини, руҳияти, орзу-умидлари ва армонларини акс эттирадиган санъат намунаси ҳисобланади. Рақсларимизда халқимизнинг қадриятлари, инсоний фазилатлари, миллий анъаналари ифодаланади. Шу нуқтаи назардан, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида маънавиятли, қалб дунёсини эзгулик ва нафосатга бой қилиб камолотга етказишда ўзбек миллий рақс санъатининг ўрни ҳамда аҳамияти беқиёс.

**Дилдора МАРДОНОВА,**
**ЎзДХА Санъатшунослик йўналиши 3-курс талабаси**

Мамлакатимизда миллий рақс санъатимизни янада юксак мавқега кўтаришга хизмат қиладиган, тарихий аҳамиятга эга ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг 2020 йил 4 февралдаги «Рақс санъати соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда «Миллий рақс санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари маданият ва санъат тараққиётида муҳим воқеа бўлди.

Миллий рақсларимизнинг бор бўй-басти юртимиз бўйлаб мунтазам ўтказиладиган оммавий тадбирларда, айниқса, ёрқин кўзга ташланади. Булар сирасига Мустақиллик, Наврўз, Шарқ тароналари, Бахшичилик ва турли хил мавзуга оид ижтимоий-сиёсий тадбирларни киритишимиз мумкин. Ўтказиладиган бундай тадбирларда миллий урф-одатларимиз, қадриятларимиз, залворли тарихимиз, буюк келажагимизнинг таровати рақс жилолари орқали саҳналаштирилади. Бундай рақсларимиз тўкис, тугал, юксак даражада бўлиши эса ўз-ўзидан рақс илмини, сеҳрини мукаммал ҳис эта оладиган рақс усталари маҳоратига, санъат мактабларимиз салоҳиятига бориб тақалади. Шу боис ҳам ўзбек миллий рақс мактабининг асосчилари Юсуфбек қизиқ Шакаржонов, Уста Олим Комилов, Тамарахоним, Мукаррама Турғунбоева каби бир қатор устоз санъаткорлар қолдирган рақс сирларини, рақс илмини ёш авлод янаям пухта ўзлаштиришга киришди, десак муболаға бўлмайди.

Бугунги кунда хореография билим юртларида ҳам рақснинг илк элементларидан бошлаб, ҳамкор билан ишлаш, образ яратиш, турли миллат рақсларининг хатти-ҳаракатлари ўргатилади. Бу жараёнлар оммавий тадбирларимизда қўл келади. Рақсларимизнинг синхрон шаклда саҳналаштирилиши, миллий либослардаги қизларнинг майин, жозибали, йигитларнинг эса жўшқин ва шиддатли ҳаракатлари томошабинга эстетик завқ бағишлайди. Оммавий тадбирларимизда “Катта ўйин”, “Қарсак”, “Лазги”, “Тановар”, “Муножат” ва яна бир қанча турли хил жўшқин, мафтункор, халқимизнинг маънавияти ҳамда маданиятини акс эттирадиган рақсларимиз муҳим ўрин эгаллаб келаётганини таъкидлаш ўринлидир.

Дарҳақиқат, сеҳрли хатти-ҳаракатлар орқали ҳаётни, воқеликни гўзал тарзда акс эттира билиш фақатгина рақс санъатига хосдир. Ўйлаймизки, миллий рақс санъатининг маданий ҳаётимиздаги ўрнини ошириш, унинг йўқолиб бораётган турларини тиклаш ва ноёб намуналарини асраб-авайлаш, янада ривожлантириш борасидаги ишлар келгусида ҳам давом этаверади.

# Одил ЁҚУБОВ:

# "Яхшиям ҳаётимда сен борсан, Марям!"



**– Марямхон ая, инсон узоқ яшагани сайин болалигини соғинаверади, дейишади. Қўл етмас нарса ҳамиша қадрли бўладими?**

– Болалигим уруш йилларига тўғри келган. Уруш бошланганида 3-4 ёшларда эдим. Отам, амакиларим, қариндошларимизни урушга кузатганимизни эслайман. Биз амакиларим билан бир ҳовлида яшардик, икки ака-ука қуда бўлишган эди. Ота-онам 4–5 фарзанд кўришгану улар вафот этиб, фақат мен қолган эканман. Онам отамнинг урушдан қайтишларини жуда интиқлик билан кутганлар. Отам келганлару бошқага уйланиб, уйдан чиқиб кетганлар. Биз онам ва отамнинг ота-оналари билан бир ҳовлида яшаб қолаверганмиз...

Қоратошда 59-мактабда ўқидим, университетнинг филология факультетида таҳсил олдим. Ёшлигимда ёзги каникулда собиқ пионер лагерига йўлланма олиб берардилар, мен эса лагерга бормасдан катталар билан бирга боболарим юрти бўлган Туркистоннинг Қарноқ қишлоғига кетардим ва ёзни шу қишлоқда ўтказардим.

**– Устоз Одил Ёқубов ҳам Қарноқда туғилиб ўсганлар-а?**

– Ҳа, у киши билан шу қишлоқда танишганмиз. 1951 йилда Одил Ёқубовнинг "Тенгдошлар" қиссаси собиқ "Ленин учқуни" (ҳозирги "Тонг юлдузи") газетасининг қатор сонларида босилиб чиққан, мен унинг ҳар бир сонини катта қизиқиш билан ўқиб чиққанман. Бу қисса қаҳрамонларининг ҳаёти мени буткул ўзига ром этган эди.

1952 йили онам билан Қарноққа бордик. У пайтларда газета-журналларга қизиқиш жуда кучли эди. Боришим билан амакимнинг қизи Каромат саволга тутди: *"Тенгдошлар"ни ўқидингми? Жуда зўр асар-а? Шу асарни ёзган ёзувчи бизнинг қишлоқдан".*

Кароматнинг бу гапидан кейин менда ёзувчини кўриш истаги туғилди. Бирон нарса бўлса харид қилармиз, деган мақсадда қишлоқ дўконига кирдик. Каромат қорачадан келган, ўрта бўйли, юзлари қизғиш, қалин сочли, кенг пешонали йигитни кўрсатиб, қулоғимга пичирлади: "Мана, шу йигит "Тенгдошлар"ни ёзган ёзувчи бўлади. У вақтинча опасининг ўрнида ишлаяпти". Истараси иссиққина йигит бизга қараб кулимсираб турарди. Мен анчадан бери излаб юрган ўзимга ёққан пальтони олишимни айтдим. У менга синчковлик билан қараб, кулимсираб, пальтони олиб берди-да: "*Жуда ярашди, очилиб кетдингиз... Аслида сиз пальтони очиб юбордингиз шекилли... Худди ўн беш кунлик ойдек..." деди.*

Сотувчи жуда секинлик билан пальтони тахлаб қўлимга тутқазди. Кейинчалик пулни қайта-қайта санашларию пальтони секинлик билан тахлашларини *"Буларнинг ҳаммасини сен ёнимдан тез кетиб қолмаслигинг учун қилгандим",* деб эслардилар кулиб. Мен эса Одил ака билан танишувимиз ҳақида гапирадиган бўлсам, *"Пальто баҳона мен бу сотувчи йигитнинг харидорига айланиб қолдим",* дердим. Одил ака: *"бу қиз дўкондаги молимизга қўшиб, кўнглиму оромимни ҳам олиб кетган",* дердилар.

**– Устоз Одил Ёқубовнинг болалиги ва оиласи ҳақида нималарни биласиз?**

– Отаси Эгамберди Ёқубов партия тизимида, юқори лавозимларда фаолият юритганлар. Аммо Одил ака 10 ёшга кирганларида отасини "халқ душмани" деган тамға билан қамаб юборишган ва у киши шу бўйича қайтмаганлар. Кичик фарзанди 4 ёшида ўлгач, қайнонам Гулшан ая 4 нафар фарзанди билан қолаверган. Жуда оғир ва машаққатли ҳаёт зарбасини еганлар. Бўр заводида оғир меҳнатда тинимсиз ишлаб, бўрни эритиб, қолипларга қуйиб, ёйиб, куритиб, болаларини боққанлар. Одил ака икки нафар опасидан кейинги биринчи ўғил бўлиб, оила масъулиятини жуда эрта зиммасига олган.

**– Одил Ёқубов ёш бўлишига қарамай, ёшини катта кўрсатиб, урушга кетган эканлар. Бу ҳақида гапирармидилар?**

– Ҳа-а, Одил ака жуда ориятли йигит бўлган. Одамларнинг таъна-дашномларидан орланиб, ўсмирлик пайти "халқ душмани"нинг боласи, деган тамғани кўтара олмаганлари учун урушга кетиб, отасининг номларини оқлаш ниятида бўлганлар. Ўзлари жуда нимжон бўлган эканлар. 1927 йил бўлсалар ҳам 1926 йилда туғилганман деб, ўзини катта кўрсатиб, урушга кетганлар. Жуда нозик ва нимжон йигит бўлганлари учун елкасига осган қуроли ерга тегиб юрар экан... Урушдан 6 йил деганда қишлоғига қайтиб келган экан. Кейинчалик замонлар ўзгариб, қайнотамнинг номи оқлангач, бошини баланд кўтариб юрдилар.

**– Янги келин-куёвнинг ҳаётга қарашлари, орзулари ҳам гўзал бўлиши табиий. Ўша пайтда сизларнинг турмуш тарзингиз, яшаш шароитингиз қандай эди? Айни уруш, ундан кейинги тикланиш йиллари...**

– Нимасини айтасиз... 1-курсни тугатгач, уйимизга совчилар келишган. Аммо боболарим мени Одил ака билан турмуш қуришимга тиш-тирноғи билан қарши бўлишган. Чунки боболарим диний уламолар эди, буларнинг оталари қишлоқ бойларига қарши курашган "коммунист". Бундан ташқари Одил ака мендан 11 ёш катта эди. Яқинларим нуқул китоб ёзиб, оила тебратиб бўлмаслигини, ижара уйда умрим ўтишини, тенгдошларимни кўрганимда афсусланишимни айтишарди. Аммо Одил акани тенгдошларим билан солиштирганда улар орасида осмон билан ерча фарқ бор эди. Одил ака мулоҳазали, ақлли, менинг кўнглимни оғритмас, гўёки кафтларида гулдек



мени асрардилар. Мен уларнинг ёнларида ўзимни бахтли сезардим. Катталарнинг қаршиликлари бизнинг муҳаббатимизни янада мустаҳкамлади. Ҳар куни дарсдан чиқишим билан университет ёнидаги фаввора ёнига – учрашувга чопардим. У ерда мени Одил ака кутардилар. Ишқилиб, уйимиздагилар ҳеч чорасини тополмагач, тўйга розилик беришди. Биз Тошкентда яшаймиз, улар Туркистонда. Мени келин қилиб, Қарноққа олиб кетишди. Тўйдан кейин 2 хонали ижара уй олиб, ҳаммамиз Тошкентга кўчиб келдик. Бир хона бизга, бир хонада қайнонам, қайинопамнинг 2 нафар етим боласи, қайним, жиянлари билан бирга яшадик.

**– Янги хонадоннинг йўқчилиги сизни қийнаб қўймадими?**

– Йўқ, десам хато бўлар. Лекин мен ҳам, Одил ака ҳам олдиндан ўртамиёнагина оилада улғайганмиз. Бунинг устига не машаққатлар билан оила қурганимиз учунми, иқтисодий қийинчиликлардан чўчимаганман. Одил ака хижолат бўлиб: *"Мар, жоним, бир оз сабр қилгин, ҳадемай ўзимизнинг уйимиз бўлади, кейин оёғимизни узатиб ётамиз, сенинг олдингда хижолатдаман-да",* дердилар. Мен эса ҳеч эътирозсиз бу ҳаётга кўникиб кетганман. Қайнонам жуда оилапарвар, раҳмдил аёл эдилар. Бир бурда нонни тенг тақсимлаганлар. Одил ака университетнинг охирги курсида ўқиш билан бирга, Ёзувчилар уюшмасида ишлардилар. 1955 йил охирида ҳозирги Ўзбек миллий академик драма театрида у кишининг "Чин муҳаббат" номли илк драмаси қўйилди ва вилоятлар театрларида ҳам саҳналаштирилди. Бу драма оиламизни моддий жиҳатдан тиклашимизга сабабчи бўлди. Кейин "Айтсам тилим куяди, айтмасам дилим", "Олма гуллаганда" каби қатор асарлари саҳналаштирилди. Турмуш ўртоғим: "Ўзимнинг қут-баракали Марямим, сен ҳаётимга кириб келишинг билан ижодимга ҳам, топиш-тутишимга ҳам барака кирди", дердилар қувониб. Бир йилдан кейин қувонч билан кириб келдилар: *"Мар, жоним, суюнчи! Энди бизнинг ўз уйимиз – ўлан тўшагимиз бор. Майли бироз тор-ку, лекин ўзимизники-да"*. Ўшанда бизга Амир Темур хиёбони ёнидаги Ёзувчилар уюшмаси тасарруфидаги бинодан бир хонали уй беришган эди...

**– Устоз ўзбек адабиётининг улуғ намояндаларидан бири. Аммо шу даражага етиш учун қанчалик меҳнат қилганларию машаққатли йўлни босиб ўтганларини ҳаммадан кўра сиз яхши биласиз, тўғрими?**

– Тўғри, ижодкорда ҳаловат бўлмайди. Ижод дегани машаққат дегани. У киши ҳам ҳар доим беҳаловат эдилар. Ўз оламида яшаб, қаҳрамонлари билан мулоқот қилаётганини сезар эдим. Кечаси ижод қилиб, тонгда чиройли ҳуснихат билан оқ қоғозга кўчирар эдилар. Одил ака ижод қилиш учун ҳеч қачон шароит танламасдилар. Қаерда, қандай ҳолатда бўлишидан қатъий назар ёзиб кетаверардилар. Қишлоққа дам олишга борсалар ҳам, сафарда ҳам, поезд ёки самолётда ҳам ёзаверардилар. Эрталаб тонг саҳар бир хил вақтда туриб, қўлёзмаларини оққа кўчирардилар. Иш столим бўлсин демасдилар. Битта столимиз бор эди, шунда ижод ҳам қилардилар, меҳмон келса дарров шу столга дастурхон ҳам ёзардим.

**– У кишининг оиладаги ўрни қандай эди?**

– Оилада онанинг, қайнонанинг роли катта экан. Бу кишининг оталари бўлмагани учунми, оиланинг бош эркаги, боқувчиси бўлганигами қайнонам уларни ҳаммадан олдин тутардилар. Турмуш ўртоғим рашкчи эдилар, мен унга ҳам кўндим. Қайнона ойижоним оиламизни йўлга қўйишда бизга кўп ёрдамлари теккан. Университетнинг 2-курсида ўқиганим учун катта ўғлимиз Мураджон бувисининг бағрида улғайди. Қишлоққа кетсалар ҳам бирга олиб кетардилар. Мураджоннинг фарзандли бўлганини ҳам кўрдилар. Бошқа ўғилларимизни ҳам ёзги таътил бошланиши билан Қарноққа жўнатиб юборардик.

Одил ака болаларига ота сифатида қаттиққўл бўлмаганлар. Болаларни дўстим, деб чақирар эдилар. Бирон нотўғри иш қилишса, тартибга чақиришларини сўрасам, "Қани, дўстим, келинг-чи", деб олдига чақириб, гаплашардилар. Эрта тонгдан болаларини уйғотиб, *"Қани дўстим, туринг-чи, ҳовлида қаймоқдай ҳаво, яхши дам олиб, бадантарбия қилинглар",* дердилар. Болалар ҳам бир-бирига "кетдик қаймоққа", деб ҳазиллашишарди. Оиламизда қаттиқ сўз бўлмас эди. Ўғил болаларга ота тарбияси муҳим экан. Улар бўлмаганда мен ўғил болаларни қандай тарбиялар эканман, дейман.



**– Устозни таниганлар очик чеҳрали, хушчақчақ, тўғри сўзли инсон, мансаб учун катталарга мулозамат килишни ёқтирмасди деб хотирлашади.**

– Жуда тўғри таърифлашибди. Ҳеч кимни аяб ўтирмасдилар, қўрқмасдан фикрини дангал айтардилар. Жуда тўғрисўз ва кўнгилчан одам эдилар. Меҳмонни жуда яхши кўрардилар. Санъатдан мумтоз мусиқаларни яхши кўрардилар. Овқат танламасдилар-у, таом дастурхонга тортилгач, оғизларига ширин туюлса, дарров кимнидир чақирардилар. Албатта, мен аёллигимга бориб, норозилик билдирардим. Меҳмон чақирмоқчи эконсиз, эртароқ айтмайсизми, энди яна овқат пиширишим керак, дердим. Албатта, алоҳида тайёргарлик қилиб, қўй сўйиб, меҳмон кутмасдилар, кўпинча, кутилмаганда, айниқса, хамир овқат пишган куни еб ўтирган таоми дўстларисиз томоғидан ўтмай қоларди. Дўстлари эса қўни-қўшни ёки турли касб эгалари бўларди. Дўстни мансаби ёки касбига қараб танламасдилар.

Уйимизга одамлар ҳамиша бирон юмуш билан келишарди. Кимдир бемор, кимдир бошқа эҳтиёж билан, дегандай. Уларни шифокорга олиб бориб кўрсатардилар, оиладан озгина пул орттириб, "борим шу эди", деб дори-дармонига берардилар. Аслида оиламиздан пул ортмасди.

Бошқа пайтлари саҳарги ошларга боришга ёки қишлоқдан келадиган гурас-гурас меҳмонлар билан соатлаб гаплашиб ўтиришга доимо вақтини қизғанардилар... Бироз ўтиргач, узрини айтиб, ишига кетардилар ёки ижодга шўнғирдилар. Меҳмонлар менга қоларди.

**– Оила, рўзғор бўлгач, эр-хотиннинг уруши, дока рўмолнинг қуриши, деганларидек, албатта, келишмовчиликлар бўлиши табиий.**

– Уларнинг менга асосий талаби – кўчага кўп чиқмаслигим эди. Ўзларининг иши билан чиқишим мумкин эди: масалан, қўлёзмаларини машинкада тердиришга, тайёр бўлгач, устидан кўриб, редакция ёки нашриётларга беришга боришим мумкин эди. Аммо ўшанда ҳам тиззамдан ўтадиган ниҳоятда қалин ва қоп-қора сочимни "ёмон кўз"лардан беркитишим, яъни ўриб, ташлаб қўймаслигим, фақат турмаклаб кўчага чиқишим мумкин эди. Кундалик бозорни ўзим қилар эдим. Оила бюджетини менга ишонардилар. Бирон нарсани беўрин харид қилмас эдим. Оилада қайнонаойим, қайинукам, онам, буларнинг жиянлари, овсиним яшардик. Улардан ортса янги кўйлак кийишим мумкин эди. Аммо бирон жойга кетсалар, менга совғасиз қайтмас эдилар. Айниқса, Фарғонага борсалар, албатта, атлас олиб келардилар. Мен эса бувижонимдан ўрганганимдек бичиб, тикиб, кийиб олардим. Иккаламиз ҳам адабиёт кишиси бўлганимиз учун ҳам бир-биримизни яхши тушунардик. Жанжаллашган кунимизни эслолмайман. Турмуш ўртоғим нима деса, ўзимга ёқмаса ҳам "хўп", дердим. Чунки тарбиям бошқача муомалага йўл қўймас эди.

**– Талабалик йилларингиздан бошлаб, ҳатто ундан ҳам аввалроқдан Одил Ёқубовнинг биринчи таҳрирчиси, тақризчиси ва қўлёзмаларининг биринчи ўқувчиси бўлган эконсиз. Буни Сиз ва ўғлингиз Искандар Ёқубов ҳамкорлигида чоп этилган "Улуғ ва садоқатли муҳаббат" китобидаги устоз билан бир-бирингизга йўллаган мактубларингизни ўқиган ҳар бир китобхон англаши мумкин.**

– Ҳа, у киши гоҳида ёритмоқчи бўлган ҳар бир воқеа тафсилотларигача мен билан маслаҳатлашар эдилар. Чунки Одил Ёқубов рус филологиясини, мен ўзбек филологиясини тугатган эдик. Баъзи сўзларнинг, гапларнинг маъносини тўғри ишлатиш учун мендан фойдаланарди. Ҳамиша менга қараб: *"Яхшиям ҳаётимда сен борсан, Марям! Борингга шукр!"* дердилар. Бу гап орқали бутун меҳри ва севгисини ифодалар эдилар.

**– Устоз асарларининг қайси бирини энг яхши асар сифатида эътироф этасиз?**

– Она ўз болаларини яхши-ёмонга ажратиши мумкинми?! Менда ҳам шундай. Ҳар бир асарнинг илк сўзидан сўнгги қўйилажак нуқтагача ёзувчи билан ҳамнафас тўлғонардим: бу гапни нотўғри ишлатибсиз, ўрнига мана буни ишлатинг... каби. Мен учун уларнинг қадри бири-биридан аъло.

**– Оиладаги энг гўзал, қувончли кунларни қайси воқеалар билан боғлайсиз?**

– Шукр қилган етар муродга, деганларидек, биз ҳам шукр билан муродга етганлардanмиз. Уйсиз одам бошпанани, боласиз инсон фарзандни орзу қилади. Секинлик билан ижара уйдаги ҳаётимиз бир ва икки хонали уйга, кейин ҳовлига айланди. Кетма-кет ўғилларимиз туғилди. Мурод, Искандар... Мен қиз кўришни орзу қилганман. Шунчалар хоҳлаганман-ки, кичик ўғлим туғилганида бир соат йиғлаб ўтирганман... Аммо келин олганимда билдимки, келинлар қиз каби меҳрибон бўлар экан.

**– Устоз ўз асарларида ўша даврнинг, таъбир жоиз бўлса бугунги куннинг ҳам энг долзарб муаммоларини ёритганлар. Аммо турғунлик йилларида ёзувчининг ўз фикрини дадил айта олиши ҳам қаҳрамонлик эди, десак муболага бўлмайди. Тайзиқлар бўлганини эслай оласизми?**

– Бундай нарсаларни бизга айтмасдилар. Кўнгилхираликларни уйга кўтариб келмас эдилар. У киши ўз асарини, ўз фикрини қаттиқ ҳимоя қила оладиган киши эдилар. Йиғилишларда, тақдимотларда мен ҳам қатнашардим. Ўзларининнг ҳақли эканини исботлай олардилар. Бировнинг ёрдамига муҳтож одам эмас эдилар. Ишлаганда ҳам астойдил меҳнат қилардилар. Айниқса, "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасида ишлаганларида шундай мавзулар ёритилардики, газетанинг ҳар сони барча адабиёт ихлосмандлари орасида қўлма-қўл бўлиб кетарди. Чекка қишлоқлардан ҳам келувчилар, мактуб йўлловчилар, ижодкорларнинг кети узилмасди.

**– Ҳаёт оқ ва қора ранглардан иборат. Ҳаётингиздаги қора ранглар, яъни, қайғули, оғир кунлар ҳақида ҳам гапириб берсангиз.**

– Мен энг оғир кунлар деганда моддий бойлик камлиги ёки шунга ўхшаш нарсаларни тушунмайман. Энг оғир кун деб мен фақат йўқотишларни тушунаман, халос. Одил аканинг 70 ёшга кирганларида мазалари бўлмай қолди. Даволандилар, оёққа турдилар, худога шукр, ижодларини давом эттирдилар. Аммо 83 ёшларида йиқилиб, оёқлари синдию қайта ўзига келмадилар. Бир ой ҳушсиз ётдилар ва бу оламни тарк этдилар... Бу оиламиздаги, ҳаётимиздаги ҳақиқий йўқотиш, менинг энг қора куним бўлди...

**– Сизнинг уйингиздан ҳамиша устознинг ҳамкасблари, шогирдларининг оёғи узилмаган. Келган меҳмонни бир чойнак чой ва бир коса овқатсиз жўнатмас эконсиз. Бунга қандай улгурар эдингиз?**

– Одил ака ижодининг мухлислари республикамиз барча вилоятларидан, ҳатто чет давлатлардан ҳам келишарди. Баъзилари эшикдан киришлари билан Одил акани мақтаб кетишарди, бу эса ўз-ўзидан у кишига ёқмасди, чой олиб киришим билан сабрсизланаётганини, вақтини қизғанаётганини юз-кўзларидан илғаб олардим: "Овқатни тезлаштир", дердилар. У пайтларда ҳозиргидек ярим тайёр овқатлар бўлмагани учун овқат тайёр бўлгунича бир-бир ярим соат вақт ўтарди. Шунинг учун йил сайин тажрибам ортиб, бўш вақтим бўлди, дегунча майда чучвара тугиб, музлатиб қўядиган бўлдим. Нориннинг хамирини ҳам, гўштини ҳам кесиб, ярим тайёр ҳолатга келтириб қўядиган бўлдим. Меҳмон келиши билан чойдан кейин дастурхонга чучвара ва норин тортадиган бўлдим. Хонадонимизга азиз меҳмонлар, ёзувчи ва шоирлар ҳам кўп келишарди. Саид Аҳмад шундай пайтларда: *"Аслида сизни кўргани эмас, Марямхоннинг "фирменний" чучвараларини соғиниб келдик",* дея ҳазиллашардилар.

Ҳовлимизга Чингиз Айтматов ҳам бир неча бор ташриф буюрганлар. Келишлари билан ёнғоқ дарахтидан 5-6 та ёнғоқ терар: *"Адил, бу дейман, ёнғоқларинг жуда кўп ҳосил берибди-ку! Бир оғайнигарчилик қилиб, бир-икки қоп ёнғоқ юборарккансан-да", дердилар кулиб.*

Кейинги гал турмуш ўртоғи Майрамхонни ҳам меҳмонга олиб келган эдилар. Майрамхон жуда ширинсухан, дилбар ва гўзал аёл эди. Унда ҳам эндигина гуллаб турган ёнғоққ қараб: *"Эҳ, Майрамхон, сен бу ёнғоқни емадинг – бу дунёга келмадинг... Жуда зўр ёнғоқ. Лекин ҳосил пишса Адил бир қоп ёнғоқ юборади Шундайми, Адил?"* деганди Чингиз ака. Қизиғи шуки, рус тилида гаплашиш икки адиб учун қулай бўлса ҳам, улар қирғиз тилида гаплашишарди.

1998 йилги ташрифида Айтматов: "Адил! Кечроқ бўлса ҳам "Муқаддас"ни ўқидим. Менинг "Жамила"м ва "Сарвқомат дилбарим" рус тилида чиқди. Аслида сенинг "Муқаддас"инг аввалроқ чиққанида сен мендан ҳам машҳур бўлиб кетардинг. Лекин сенинг "Улуғбек"инг нафақат ўзбекнинг, балки барча туркий халқлар адабиёти, ҳатто жаҳон адабиётининг хазинасидан жой олди, деганида ҳамма меҳмонлар қарсак чалиб юборишган эди...

**– Ёзувчи қаҳрамонларини қандай танларди?**

– Қаҳрамонларини ҳаётдан олардилар. Уйдами, йўлдами, қишлоқдами, одамларни кузатишни, уларнинг суҳбатини олишни яхши кўрардилар. Қайси асарини ўқисам, мен ўша одамни танийман, кўргандай бўламан, қариндошлар, яқинлар бўлиб чиқади.

**– Овқат кечикса, сизга қарашиб юборармиди?**

– Йў-ўқ, ҳатто пичоқ ушласалар лабларини тишлаб турардилар, ҳатто тухум қовуриб, чой дамлаш қўлларидан келмасди.

**– Ижодкор борки, ҳамиша қалби муҳаббатга ошно бўлади, дейишади. Устознинг севгисини нималарда ҳис қилардингиз-у бирон марта хиёнатини сезганмисиз?**

– Йўқ, сезмаганман. Умрлари якунида "Мен сизни жонимдан ортиқ севдим, ҳаммадан қизғондим, сизни ишлатмадим, рози бўлинг. Аммо ҳеч қачон сизга хиёнат қилмадим", дедилар ва мен бу гапга ишондим... Урушга кетишларидан олдин қишлоғида севган қизи бўлган. Аммо 6 йил урушга кетганида ота-онаси бошқа йигитга узатиб юборишган экан. "Тилла узук" асарини ўқиган ўқувчи буни яққол тушунади.

**– Фарзандлар камоли, бахти, уларнинг отасига ўхшаш томонлари... Устознинг ҳаёти асарларида давом этаяпти ва яшайверади. Оилада устоз билан боғлиқ қандай қадриятлар сақланиб қолган?**

– Болаларни боғча бермоқчи бўлиб, боғча мудирининг олдига бордим. Аммо у турмуш ўртоғимнинг Ёзувчилар союзида ишлашини эшитиб, "Менга союзпечатнинг боласи керакмас", деди. Шу бўйича болаларим боғча юзини кўришмади. Одил ака эса ўз манфаати учун югурадиган инсон эмасдилар. Уларни бир-бирига меҳр-оқибатли бўлсин, деб тўрталасини ҳам 99-сонли ўзбек тилига ихтисослашган мактабда ўқитдик. Улар ҳам бугун ўғил-қизларига, невараларига ўзбекона билим ва тарбия бераяптилар. Невараларим келишса, қўлларини кўксига қўйиб сўрашишади, нима юмушим бўлса, сўзсиз бажаришади. Ана шундай қадриятлар ҳукм сураётганидан қувонаман: 4 нафар ўғилларимизнинг ҳаммаси ўзлари севган соҳаларда билим олишди. Илмий изланишлар қилишди, профессорлик даражасига етишишди. Келинларим, невараларим ҳам Одил ака истаганларидек илм йўлидан боришди. Ҳаётда ўз ўринларини топишди. Ўғилларимга отасидан хайру саховатлилик, силаи раҳм, меҳрибонлик, масъулиятлилик, илмга чанқоқлик каби ҳамма яхши хислатлари ўтди. Уларга қараб, Аллоҳга шукрона айтаман...

**"Adolat" мухбири Саодат МАТЁҚУБ қизи суҳбатлашди**

ADOLAT SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

Муассис: «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Ислом ҲАМРОЕВ

Таҳрир ҳайъати:
Баҳром АБДУҲАЛИМОВ
Наримон УМАРОВ
Муҳаммад АЛИ
Гавҳар АЛИМОВА
Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА
Қодир ЖЎРАЕВ
Зуҳра ИБРАГИМОВА
Тошпўлат МАТИБАЕВ
Талъат МУРОДОВ
Абдукамол РАҲМОНОВ
Умиджон СУЛАЙМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ
Шуҳрат ЯКУБОВ

Бўлимлар:
Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 71 288-46-54 (149);
Котибият — 71 288-42-14 (144);
Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — 71 288-42-12 (132);
Қабулхона — 71 288-42-12 (141) факс;
Реклама бўлими — 71 288-42-14 (132); 90 900-72-15

Масъул котиб — Абдуғани Содиқов
Навбатчи муҳаррир — Камол Матёқубов

Таҳририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарқ тонги» кўчаси, 23-уй.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

info@adolatgzt.uz
adolatgz-95@mail.ru

ISSN 2091-5217

1 2 3 4 5 6

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г – 200

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100

Адади – 6264
Босишга топшириш вақти – 21.00
Босишга топширилди – 21.10
Баҳоси келишилган нархда

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.